

O'zbekiston
OVOZIЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ
ШАВКАТ МИРЗИЁЕВНИНГ БИРЛАШГАН МИЛЛАТЛАР ТАШКИЛОТИ
БОШ АССАМБЛЕЯСИНИНГ 78-СЕССИЯСИДАГИ НУТҚИ

Ўрнатилган раис жаноблари!
Ўрнатилган Бош котиб жаноблари, делегациялар раҳбарлари,
хонимлар ва жаноблар!

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг бу-
гунги сессияси халқаро муносабатлар тизимида фундаментал
ўзгаришлар юз бераётган бир шароитда бўлиб ўтмоқда.

Жаҳон миқёсида ишонч инқирози кузатилмоқда. Глобал
хавфсизлик институтлари фаолиятидаги муаммолар ва халқаро
ҳуқуқ меъёрларидан чекиниш кучаймоқда. Ва буларнинг
барчаси кенг қўламдаги кескинлик ортишига сабаб бўлмоқда.

Геосиёсий қарама-қаршиликлар туфайли савдо, инвести-
ция ва инновация соҳаларида эркин алмашиш йўлида янги тў-
сиқлар вужудга келмоқда. Ҳатто иқлим ўзгаришлари, очлик ва
тенгсизликка қарши кураш сингари бутун башариёт тақдирига
дахлдор бўлган масалаларда ҳам ўзаро мулоқот издан чиққани
сезилмоқда.

Бундай мураккаб шароитда амалий ҳамжиҳатлик ва ҳам-
корлик руҳини сақлаш, умумий манфаатларни мавжуд зидди-
ятлардан юқори қўйган ҳолда, мамлакатларни жипслаштириш
ғояси ҳар қачонгидан ҳам долзарб бўлиб бормоқда.

**Биз ўтган йили умумий хавфсизлик ва тараққиётга
қаратилган "Самарқанд бирдамлик ташаббуси"ни ил-
гари сурдик. Асосий мақсадимиз мамлакатларимиз ва
халқларимизнинг бугунги кун ва истиқболи учун масъ-
улиятни ҳар томонлама чуқур англаш, очик ва конструк-
тив ҳамкорликка тайёр барча томонларни глобал му-
лоқотга жалб қилишдан иборат.**

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош котиби ташаббуси
билан келгуси йил Келажак саммити ўтказилиши халқаро ва
минтақавий тараққиётнинг долзарб муаммоларини ҳал этишга,
Ташкилотимизнинг таъсири ва самарадорлигини янада оши-
ришга хизмат қилади, деб ишонаман.

Муҳтарам анжуман иштирокчилари!

Биз ҳуқуқий, дунёвий, демократик ва ижтимоий давлат бўл-
миш Янги Ўзбекистонни барпо этиш сиёсатини қатъий давом
этирмоқдамиз. Мамлакатимиз "Инсон қадр ва манфаатлари
учун" деган эгзу ғоя асосида демократия ва адолат тамойил-
ларини мустаҳкамлашга қаратилган туб ислохотлар йўлидан
дадил илгари бормоқда.

Жорий йил апрель ойида миллий тараққиётнинг устувор
йўналишларини белгилаб берувчи янгиланган Конституция
бўйича Ўзбекистон тарихида биринчи марта умумхалқ рефе-
рендуми бўлиб ўтди. Референдумда овоз берганларнинг 90 фо-
издан зиёди ушбу чинакам халқ конституциясини қўллаб-қув-
ватлади. Шу тарика ислохотларимизнинг орта қайтмайдиган
муқаррар тус олиши таъминланди.

Биз Асосий қонунимизда миллати, тили ва динидан қатъи
назар, барча фуқароларнинг тенглиги, инсон ҳуқуқлари, сўз
ва виждон эркинлиги принципларига садоқатимизни яна бир
бор тасдиқладик.

Мана шундай ҳуқуқий асосда "Ўзбекистон – 2030" тараққи-
ёт стратегиясини қабул қилдик. Бу стратегия Бирлашган Мил-
латлар Ташкилотининг "Барқарор ривожланиш мақсадлари"га
уйғун бўлиб, биз ўз зиммамизга олган барча мажбуриятларни
тўла ва қатъий бажармоқдамиз.

Давоми 2-бетда. ▶

МАРКАЗИЙ ОСИЁ
ДАВЛАТЛАРИ ВА
АҚШ ЎРТАСИДАГИ
ҲАМКОРЛИКНИНГ УСТУВОР
ЙЎНАЛИШЛАРИ КЎРСАТИБ
ЎТИЛДИ

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев
Нью-Йорк шаҳрига ташриф дастурига мувофиқ 19 сентябрь
кун Марказий Осиё мамлакатлари ва Америка Қўшма
Штатлари етакчиларининг "C5+1" форматидаги биринчи
саммитида иштирок этди.**

Тадбирда Америка Қўшма Штатлари Президенти Жозеф
Байден, Қозоғистон Республикаси Президенти Қосим-Жомарт
Тоқаев, Қирғиз Республикаси Президенти Саидр Жапаров, Тожи-
кистон Республикаси Президенти Эмомали Раҳмон ва Туркменис-
тон Президенти Сердар Бердимухамедов қатнашдилар.

Учрашув кун тартибига мувофиқ, савдо-иқтисодий шерикликни
кенгайтириш истиқболлари, "яшил" тараққиёт, энергетика хавф-
сизлигини таъминлаш ва қайта тикланувчи энергия манбаларини
жорий қилиш, минтақавий хавфсизлик, терроризм ва трансчега-
равий жиноятчиликка қарши курашиш соҳаларида ҳамкорлик ма-
салалари муҳокама қилинди.


Саммитда саккиз йил муқаддам Самарқанд шаҳрида ташкил
этилган "C5+1" формати Марказий Осиё давлатлари ва Америка
Қўшма Штатлари ўртасидаги очик ва конструктив мулоқот, бар-
ча соҳаларда самарали ҳамкорликни ривожлантириш учун муҳим
майдонга айлангани таъкидланди.

Давлатимиз раҳбари Марказий Осиё минтақасида дўстлик, ўза-
ро англашув ва шериклик муносабатлари мустаҳкамланиб бораёт-
гани, бу кенг ҳамкорлик учун янги ва ноёб имкониятлар яратаят-
ганини юксак баҳолади.

Савдо-инвестициявий фаолиятни кучайтириш, лойиҳавий ҳам-
корликни йўлга қўйиш, минтақада транспорт йўлакларини ривож-
лантириш, "яшил" кун тартибини илгари суриш, инсон ҳуқуқлари
ва гендер тенгликни таъминлаш, таълим дастурларини кенгайти-
риш, Афғонистондаги вазиятнинг тинч йўл билан ҳал этилишига
қўмаклашиш каби бутун минтақа ривож учун стратегик аҳамият-
га эга устувор йўналишлар кўрсатиб ўтилди.

Учрашув якунида минтақа мамлакатлари ва АҚШ ўртасидаги
ўзаро англашувни янада чуқурлаштириш ва амалий шериклики
кенгайтириш юзасидан келишувларга эришилди.

ЎЗА.

ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ БМТ БОШ
АССАМБЛЕЯСИНИНГ 78-СЕССИЯСИДА НУТҚ СЎЗЛАДИ

**19 сентябрь кун Нью-Йорк
шаҳридаги Бирлашган Миллатлар
Ташкилоти бош қароргоҳида БМТ
Бош Ассамблеяси 78-сессиясининг
умумсиёсий мунозаралари бошлан-
ди. Унда Ўзбекистон Республикаси
Президенти Шавкат Мирзиёев нутқ
сўзлади.**

Сессия раиси Деннис Фрэнсис бош-
чилигида ўтаётган мунозараларнинг би-
ринчи кунда БМТ Бош котиби Антониу
Гутерриш, аъзо мамлакатлар етакчилари
– Америка Қўшма Штатлари Прези-
денти Жозеф Байден, Бразилия Феде-
ратив Республикаси Президенти Луис
Инасиу да Силва, Туркия Республикаси

Президенти Режеп Таййип Эрдоған, Жа-
нубий Африка Республикаси Президен-
ти Сирил Рамафоса, Қатар Давлати Ами-
ри шайх Тамим бин Ҳамад Ол Соний ва
бошқа давлатлар раҳбарлари иштирок
этомқда.

Ўзбекистон Республикаси Президен-
ти Шавкат Мирзиёев ўз нутқида ҳам-
жиҳатлик ва амалий ҳамкорлик руҳини
сақлаш, умумий манфаатларни мавжуд
зиддиятлардан юқори қўйган ҳолда
мамлакатларни жипслаштириш зарур-
лигини қайд этди.

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти
Бош котиби ташаббуси билан келгуси
йилда Келажак саммити ўтказилиши

халқаро ва минтақавий тараққиётнинг
долзарб муаммоларини ҳал этишга,
Ташкилотнинг таъсири ва самарадорли-
гини янада оширишга хизмат қилишига
ишонч билдирилди.

Давлатимиз раҳбари кейинги йил-
ларда Ўзбекистонда амалга оширила-
ётган ва орта қайтмас тус олган кенг
қўламли ислохотларга алоҳида тўхта-
либ, глобал ва минтақавий кун тарти-
бидаги энг долзарб масалалар ечимига
қаратилган қатор ташаббусларни илгари
сурди.

Давоми 2-бетда. ▶

ҲАМКОРЛИКНИ ЯНАДА РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ
УСТУВОР ЙЎНАЛИШЛАРИ МУҲОКАМА ҚИЛИНДИ

**Хабар берилганидек, Ўзбекистон Республикаси
Президенти Шавкат Мирзиёев амалий ташриф би-
лан Америка Қўшма Штатларида бўлиб турибди.**

19 сентябрь кун БМТ Бош Ассамблеясининг 78-сес-
сияси тадбирлари доирасида Ўзбекистон Республикаси
Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Америка Қўшма Штат-
лари Президенти Жозеф Байден, Жаҳон савдо ташкило-
ти (ЖСТ) бош директори Нгози Окунж-Ивеала, Корея
Республикаси Президенти Юн Сок Ёль, Бирлашган Мил-
латлар Ташкилоти Бош котиби Антониу Гутерриш билан
учрашуви бўлиб ўтди.

Америка Қўшма Штатлари Президенти Жозеф Бай-
ден билан учрашувда икки томонлама муносабатлар ва
минтақавий ҳамкорликнинг долзарб масалалари кўриб
чиқилди. АҚШ Президенти мамлакатимиз мустақиллиги,
суверенитети ва ҳудудий ахиллигини ҳамда Янги Ўзбе-
кистонда амалга оширилаётган ва муқаррар тус солган
ислохотлар сиёсатини қатъий қўллаб-қувватлашини тас-
диқлади.

АҚШнинг етакчи компания ва банклари билан амалий
ҳамкорлик лойиҳаларини илгари суришга тўхталиб ўтилди.
Жаҳон савдо ташкилоти (ЖСТ) бош директори Нгози
Окунж-Ивеала билан учрашувда Ўзбекистоннинг тез
фурсатда ЖСТга аъзо бўлиши бўйича кўрилаётган чо-
ра-тадбирлар муҳокама қилинди.

Давлатимиз раҳбари мамлакатимиз ўз олдида ўрта ва
узоқ муддатли ривожланиш бўйича қўйган мақсадлардан
келиб чиққан ҳолда ташкилотга қўшилиш муҳим аҳамия-
тга эга эканини алоҳида таъкидлади.

Ўзбекистон Президенти Ишчи гуруҳнинг навбатдаги
йиғилишини тайёрлаш, шунингдек, жараёнда иштирок
этаётган мутахассислар салоҳиятини кучайтириш ва ма-
лакасини ошириш масалаларига тўхталди.

ЖСТ бош директори Ўзбекистон томонидан ташкилот-
га аъзо бўлиш борасида кўрилаётган чораларни юқори
баҳолади.

Корея Республикаси Президенти Юн Сок Ёль билан
учрашувда Ўзбекистон билан Жанубий Корея ўртасида-
ги алоҳида стратегик шериклик муносабатларини янада
мустаҳкамлаш ва кўп қиррали ҳамкорликни кенгайтириш
масалалари кўриб чиқилди.

Азалдан яқин дўстлик ришталарига, халқларимизнинг
менталитети, анъана ва қадриятлари ўхшашлигига асос-

ланган икки томонлама алоқалар изчил ривожланиб бо-
раётгани алоҳида мамнуният билан қайд этилди.

Ўзбекистон Президенти Жанубий Корея билан кенг
қўламли ҳамкорликнинг янги иқтисодий кун тартибини
шакллантириш масалаларига тўхталди.

Кейинги йилларда ўзаро савдо ва инвестиция кўрсат-
килари барқарор ошиб бормоқда. Ўтган йилда товар ай-
ирбошлаш 24 фоизга кўпайди. Мамлакатимизда қарийб
мингта қўшма корхона фаолият юритмоқда, Кореядан ин-
вестициялар ҳажми 7 миллиард доллардан ошди.

Корея халқаро ҳамкорлик агентлиги, Корея Эксимбан-
ки ва унинг фондлари билан кўп йиллар давомида сама-
рали ҳамкорлик қилинаётгани, улар билан биргаликдаги
лойиҳаларнинг умумий портфели 3 миллиард доллардан
зиёдин ташкил этгани юқори баҳоланди.

Музокаралар якунида давлатимиз раҳбари Корея Пре-
зиденти Юн Сок Ёлни давлат ташрифи билан Ўзбекистон-
га келишга таклиф этди.

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош котиби Антониу
Гутерриш билан учрашувда Ўзбекистоннинг БМТ билан
ҳамкорлигини янада кенгайтириш истиқболлари, энг ав-
вало, барқарор ривожланиш соҳасидаги миллий вазифа ва
мақсадларни рўйбга чиқариш масалалари кўриб чиқилди.

Кейинги йилларда Ўзбекистон ва БМТ ўртасидаги
ҳамкорлик мисли кўрилмаган юксак даражада чиққани
мамнуният билан қайд этилди. Биргаликда қарийб 140
та дастур ва лойиҳалар муваффақиятли амалга оширил-
моқда. Ўзбекистон ташаббуси билан БМТ Бош Ассам-
блеясининг 6 та резолюцияси қабул қилинди, Оролбўйи
минтақаси аҳолисини ижтимоий қўллаб-қувватлаш учун
махсус Траст фонди фаолият юритмоқда.

Антониу Гутерриш Ўзбекистон Республикаси Прези-
дентининг Бош Ассамблея 78-сессиясидаги нутқини юк-
сак баҳолаб, мамлакатимизда амалга оширилаётган орта-
га қайтмас ислохотлар дастурини қўллаб-қувватлашнинг
давлатимиз раҳбари долзарб глобал ва минтақавий му-
аммоларга ечим топиш борасида илгари сурган ташаббус
ва таклифлар муҳим аҳамиятга эга эканини таъкидлади.

Музокаралар якунида Ўзбекистон билан БМТ ўрта-
сидаги кенг қўламли шерикликни чуқурлаштиришнинг
устувор йўналишлари бўйича «йўл харитаси»ни ишлаб
чиқишга келишиб олинди.

ЎЗА.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВНИНГ БИРЛАШГАН МИЛЛАТЛАР ТАШКИЛОТИ БОШ АССАМБЛЕЯСИНИНГ 78-СЕССИЯСИДАГИ НУТҚИ

Ўрнатилган хонимлар ва жаноблар!
Изчил давом этаётган ислохотлар натижа-сида Ўзбекистон иқтисодиёти, глобал таҳдид-ларга қарамасдан, барқарор ўсиш суръатла-рини намоён этмоқда. Сўнгги олти йилда ялпи ички маҳсулот ҳажми бир ярим мартадан ор-тиқ кўпайди. Бизнинг бош мақсадимиз – 2030 йилга қадар бу кўрсаткични яна 2 баробарга оширишдир.

Иқтисодий-иқтисодий либераллаштириш йў-лидаги яна бир устувор вазифамиз – яқин орада Жаҳон савдо ташкилотига тўлақонли аъзо бўлишдир.

Халқимизнинг турмуш даражасини оши-ришга қаратилган сиёсат тўғрисида мамлака-тимизда 2017 йилдан буён камбағаллик икки баробарга камайди. Биз 2030 йилгача уни 7 фоизга туширишни режа қилганмиз. Аҳоли-ни ичимлик суви, соғлиқни сақлаш, таълим ва бошқа ижтимоий хизматлар билан таъмин-лаш кўламини бир неча бор оширишни бел-гиланмиз.

Биз Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош қотиби томонидан илгари сурилган "Иш ўринларини яратиш ва ижтимоий ҳимоя гло-бал акселератори" борасидаги ташаббусни қўллаб-қувватлаймиз. Мазкур ташаббус до-ирасида тажриба алмашиш учун 2024 йили Бирлашган Миллатлар Ташкилоти шафели-гида "Ижтимоий ҳимоя: барқарор таракқиёт сари йўл" бутунжаҳон конференциясини юр-тимизда ўтказишни таклиф этаман.

Ўрнатилган саммит иштирокчилари!
Сўнгги йилларда Ўзбекистонда инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича эътибор-га лойиқ натижаларга эришдик. Мамлакатим-изда мажбурий ва болалар меҳнатига тўлиқ барҳам берилди.

Бир аср мобайнида Ўзбекистонда милли-онлаб инсонлар пахта теримига мажбурий равишда жалб этиб келинди. Ҳар йили сен-тябрь ойидан декабргача аҳолининг асосий қисми – ўқитувчи ва шифокорлар, тадбир-корлар, ишчи ва хизматчилар, энг ачинар-лиси, мактаб ўқувчилари ва талабалар пахта теримига сафарбар қилинар эди. Бунинг на-тижасида ўзбек пахтасига бойкотлар эълон қилинган, мамлакат эса йиллар давомида "қора рўйхат"ларга киритилган эди.

Қатъий иродамиз тўғрисида энди буларнинг барчаси ўтмишга айланди. Халқимиз пахта қўллагидан буткул озод бўлди.

Янги Конституциямизда мажбурий меҳнат таққиллашиш кафолатлаб қўйилди ва бунинг учун жиноий жавобгарлик белгиланди. Маж-бурий ва болалар меҳнатига қарши курашни бутун дунё миқёсида кучайтириш зарур, деб ҳисоблайман. Бизнинг тажрибамиз шуни кўр-сатмоқдаки, бунга чек қўйиш имкони бор.

Хонимлар ва жаноблар!
Инсон капиталини ривожлантириш ва креатив ёш авлодни тарбиялаш – Ўзбекистон ўз олдига қўйган стратегик вазифалардан биридир.

Биз ҳамма учун очик ва сифатли таълим-ни камбағалликка барҳам бериш, халқ фаро-вонлигини ошириш ва барқарор иқтисодий ўсишга эришишнинг энг самарали омил, деб биламиз.

Мамлакатимиз охириги йилларда бу бора-да катта тажриба тўплади – таълим тизими тубдан ўзгармоқда. Ўтган олти йилда мактаб-гача таълимдаги қамров 21 фоиздан 70 фо-изга, олий таълимда эса 9 фоиздан 38 фоиз-га етди. 2030 йилга қадар ҳар бир боланинг боғчага қатнаши, мактабни битираётган ҳар икки ўқувчининг бири эса олийгоҳда ўқиши учун имконият яратилади.

Ўрнатилган делегациялар раҳбарлари!
Сўнгги йилларда Марказий Осиё яхши қўшничилик, барқарорлик, ўзаро ҳамкорлик ва ривожланиш йўлидан бормоқда.

Биргаликдаги савдо-ҳаракатларимиз ту-файли Ўзбекистон барча қўшнилари билан давлат чегаралари, транспорт коридор-

лари ва сувдан фойдаланиш бўйича муаммо-ларни бартараф этишга муваффақ бўлмоқда. Минтақа давлатлари ўртасида ўзаро сав-до икки ярим баробардан зиёд, қўшма кор-хоналар сони эса беш марта ўсди. Минтақа-миз иқтисодий ривожланиш марказига, Шарқ ва Ғарбни, Шимол ва Жанубни боғлайдиган транспорт-коммуникация кўпригига айланиб, унга қизиқиш тобора ортиб бормоқда.

Марказий Осиёнинг дунёга очиклиги – минтақа хавфсизлиги ва барқарор ривожла-нишини таъминлайдиган энг муҳим шартга айланмоқда.

Ишонч билан айтиш мумкинки, бизнинг халқларимизни минтақавий ўзига хосликни англаш тўғрисида бирлаштирмоқда ва бу туй-ғу тобора кучайиб бормоқда. Бизнинг на-фақат тарихимиз, балки келажагимиз, ҳа-ётимиз муҳим манфаатларимиз ҳам умумий ва муштаракдир. Минтақавий ҳамкорлигимизни кенгайтиришдан бошқа йўлимиз йўқ ва бўли-ши ҳам мумкин эмас!

Аминманки, халқаро ҳамжамиятнинг қўллови билан Марказий Осиё бирдам-лик йўлидан боришда давом этади. Мар-казий Осиёни тинч ва гуллаб-яшнаётган ҳудудга айлантириш Ўзбекистон ташқи сиёсатида бундан буён ҳам устувор мақ-сад бўлиб қолади.

Муҳтарам анжуман иштирокчилари!
Аҳолисининг деярли ярми ёш авлод ва-киллари бўлган Марказий Осиё учун ёшлар ва уларнинг салоҳиятини рўёбга чиқариш ма-саласи айниқса долзарб аҳамиятга эга. Ушбу соҳада ҳамкорлиқни кучайтириш мақсадида яқинда минтақамиз давлатлари томонидан Ёшлар сиёсатининг умумий йўналишлари ҳақидаги битим имзоланди.

Айни пайтда биз Бирлашган Миллатлар Ташкилоти ва унинг ихтисослашган тузил-малари билан самарали ҳамкорлик ўрнатиш, бошқа минтақаларнинг илғор тажриба ва ютуқларини ўрганишдан манфаатдормиз.

Шу муносабат билан Бирлашган Мил-латлар Ташкилоти ҳузурида Марказий Осиё ёшларини ривожлантиришга кўмаклашиш бўйича ишчи гуруҳ ташкил этишни таклиф этаман. Унинг доирасида "Марказий Осиё ёшларининг кун тартиби – 2030" дастурини ишлаб чиқиш мақсадаги мувофиқдир.

Ўрнатилган делегациялар раҳбарлари!
Хотин-қизларнинг жамият ва давлат бош-қарувида фаол иштирок этиши бугунги кун-нинг долзарб масаласидир. Миллий сиёса-тимиз марказида турадиган энг эзгу мақсад – оилалар мустақамлигини, аёлларимизнинг ҳуқуқий ҳимояси ва осойишта ҳаётини таъ-минлашдан иборат.

Гендер тенгликка эришиш борасида ҳам тизимли ишларни олиб бормоқдамиз. Жумла-дан, ўтган йили олийгоҳларга қабул қилин-ган талабаларнинг 49 фоизини қизлар таш-кил этди. Хотин-қизларнинг давлат бошқару-видаги улуши эса биринчи марта 35 фоизга етди. Аёллар ва вояга етмаганларни зўра-вонлиқдан ҳимоя қилиш мақсадида алоҳида қонун қабул қилинди.

Биз "Бирлашган Миллатлар Ташкилоти – Хотин-қизлар" тузилмаси билан ҳамкорлиқни янада кенгайтиришдан манфаатдормиз. Бир-галикдаги ташаббус сифатида аёлларнинг бунёдкорлик салоҳиятини рўёбга чиқариш масалаларини муҳокама қилиш ва тажриба алмашиш учун келгуси йили Ўзбекистонда Осиё хотин-қизлари форумини ўтказишни таклиф этамиз.

Ўрнатилган хонимлар ва жаноблар!
Ҳозирги вақтда дунёда кескин экологик вазият кузатишмоқда. Сайёрамиз миқёсида учта инкироз, яъни иқлим ўзгариши, биохил-ма-хиллик йўқолиши ва атроф-муҳит ифлос-ланиши кучаймоқда.

Ана шундай мураккаб шароитда Орол ден-гизи фожиясига қарши курашни давом этти-раётган Марказий Осиё иқлим ўзгаришлари олдида энг заиф минтақалардан бирига ай-ланмоқда.

Глобал муаммо бўлган Орол фожияси оқи-батларини бартараф этиш йўлида Ўзбекистон ўз имкониятлари даражасида ҳаракат қил-моқда. Сўнгги йилларда Орол денгизининг қуриган тубида 1,7 миллион гектар майдон-да қурғоқчиликка чидамли ўсимликлардан иборат яшил ҳудудлар барпо этилди. Бу савдо-ҳаракатларимизни давом эттириш учун халқаро ҳамжамиятнинг қўллаб-қувватлаши жуда муҳим.

Кейинги 30 йилда минтақамизда ҳаво ҳарорати бир ярим градусга кўтарилди. Бу – дунёдаги ўртача исидан икки карра кўп-дир. Оқибатда музликлар умумий майдони-нинг қарийб учдан бир қисми йўқолиб кетди. Ушбу тенденция сақланиб қолса, яқин йи-гирма йилда минтақамиздаги иккита йирик дарё – Амударё ва Сирдарё оқими 15 фоизга қисқариши мумкин. Жон бошига сув билан таъминланиш даражаси 25 фоизга, қишлоқ хўжалиги экинлари ҳосилдорлиги эса 40 фо-изга камайиши кутилмоқда.

Агар ўз вақтида таъсирчан чораларни кўр-масак, ушбу муаммолар оқибатлари минтақа-миздаги ижтимоий-иқтисодий барқарорликка жиддий путур етказад.

Бу вазиятдан келиб чиққан ҳолда, биз Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош қоти-бининг Сув ресурслари бўйича махсус ваки-ли лавозими таъсис этилишини қўллаб-қув-ватлаймиз. Марказий Осиё сувни тежайдиган технологиялар платформасини яратиш жа-раёнида "Бирлашган Миллатлар Ташкилоти – сув ресурслари" механизминини ишга солиб, энг илғор технологияларни жалб этиш ва тат-биқ қилиш тарафдоримиз.

Биз минтақамизда қабул қилинган Яшил тараққиёт дастури доирасида тизимли ҳам-корлиқни йўлга қўймоқдамиз. Бундай шерик-лик манфаатларимизга бирдек мос бўлиб, иқлим ўзгаришлари билан боғлиқ таҳдидлар-нинг олдини олишга қаратилган. Бу борада "Марказий Осиё иқлим мулоқоти"ни жорий этишни мақсадга мувофиқ, деб ҳисоблайман.

Биз Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг "Марказий Осиё глобал иқлим таҳдидлари қаршида: умумий фар-вонлиқ йўлида ҳамжиҳатлик" резолюция-сини қабул қилиш ташаббусини илгари су-рамиз. Унинг асосий мазмунини келгуси йил Самарқандда бўлиб ўтадиган халқаро иқлим форумида муҳокама қилишни таклиф этамиз.

Шу ўринда таъкидлашни истардимки, Ўз-бекистон иқтисодиётининг асосий тармоқла-рини иқлим ўзгаришларига мослаштириш, углерод нейтраллигига эришиш ва "яшил" энергетика улушини кескин ошириш биз учун стратегик вазифа бўлиб қолади.

Ўрнатилган йиғилиш иштирокчилари!
Биз экстремизм балоси тарқалишига, ёшларнинг радикаллашувига йўл қўймаслик учун биргаликдаги ҳаракатларимизни кучай-тиришимиз зарур.

Ўтган йил март ойида Тошкентда Бирлаш-ган Миллатлар Ташкилотининг терроризмга қарши глобал стратегиясини Марказий Осиё-да амалга ошириш бўйича қўшма ҳаракатлар режаси қабул қилинди.

Экстремизм ва терроризмга қарши кураш бўйича Миллий стратегиямиз доирасида бир масалага алоҳида эътибор қаратмоқдамиз. У ҳам бўлса, илгари экстремизм ғоялари таъ-сирида бўлган шахсларни соғлом ҳаётга қай-тариш ва жамиятга мослаштириш масаласи-дир.

Биз бу борада ўзига хос тажриба орттирдик, беш марта "Меҳр" инсонпарварлик миссиясини ўтказдик. Унинг доирасида 530 нафардан зиёд фуқаролар, аввало, аёллар ва болаларни Яқин Шарқ ва Афғонистондаги қуроли низола-р ҳудудларидан юртимизга қайтардик. Уларнинг барчасига тиббий, психологик, ижтимоий ва бошқа ёрдамлар кўрсатилди.

Халқаро жамоатчилик жорий йилнинг июнь ойида мана шу ерда, Бирлашган Мил-латлар Ташкилоти бош қароргоҳида мамла-катимизга олиб келинган ва янги ҳаёт бош-

лаган шахсларнинг тарихини уларнинг ўзла-ридан эшитди.

Биз бу йўналишдаги ҳаракатларни да-вом эттириш ва доимий тажриба алмашиш-ни йўлга қўйиш учун Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Терроризмга қарши кураш бошқармаси шафелигида уруш ҳудудларидан қайтганлар билан тизимли ишлаш бўйича Минтақавий экспертлар кенгашини тузишга қаратилган амалий қадамларни ташладик.

Бирлашган Миллатлар Ташкилотига аъзо давлатлар халқаро терроризм каби умумий таҳдидларга қарши курашда янада бирла-шиб, ҳаракат қилишлари керак.

Яна бир муҳим фикрни таъкидлашни ис-тардим. Сўнгги пайтларда айрим мамлакат-ларда кўзга ташланаётган диний тоқатсиз-лик, исломофобия ҳолатларига асло йўл қўйиб бўлмайди, деб ҳисоблаймиз. Жаҳон миқёсида динлараро бағрикенглик ва ҳам-жиҳатлик ғояларини кенг тарғиб этиш мақ-садида Ўзбекистонда ЮНЕСКО шафелигида Динлараро мулоқот ва бағрикенглик халқаро марказини ташкил этишни таклиф қиламиз.

Диёримиз жаҳон илм-фани ривожига бекиёс ҳисса қўшган, исломни илм-маъри-фат ва тинчлик дини сифатида намоён этган Ал-Хоразмий, Беруний, Ибн Сино, Имом Бу-хорий, Мирзо Улуғбек, Алишер Навоий син-гари улуг аллома ва мутафаккирлар ватани экани билан ҳақли равишда фахрланамиз. Шундай буюк олимларнинг бой меросини ўр-ганиш, исломнинг асл инсонпарварлик моҳи-ятини чуқур очиб бериш мақсадида 2024 йил Ўзбекистонда "Ислом – тинчлик ва эзгулик дини" мавзусида халқаро конференция ўтка-зиш ташаббусини илгари сурамиз.

Ўрнатилган сессия иштирокчилари!
Халқаро хавфсизлик Афғонистондаги жа-раёнлар билан бевосита боғлиқдир. Ушбу мамлакатда янги вазият вужудга келган бў-либ, у афгон масаласини ҳал этишда ўзига хос ёндашувларни талаб этмоқда.

Афғонистонни ўз муаммолари билан яна ёлғиз қолдириш – бу катта хато бўлади. Ин-кор қилиш, яккалаб қўйиш ва санкциялар қўллаш оддий афгон халқининг аҳволини янада оғирлаштирмоқда.

Афгон халқига инсонпарварлик ёрдами кўрсатишни сусайтирмаслик лозим, деб ҳи-соблаймиз. Афғонистоннинг музлатилган халқаро активларини бу юртдаги ўткир ижти-моий муаммоларни ҳал этишга йўналтириш учун мақбул механизмларни ишлаб чиқиш-га чақирамиз. Бизга тинч ва барқарор, мин-тақавий ҳамкорлик жараёнларида иштирок этадиган, қўшнилари ва бошқа мамлакатлар билан ўзаро манфаатли шериклик учун очик Афғонистон керак.

Мен бугун ушбу нуфузли минбардан ту-риб, дунё ҳамжамиятини Афғонистон муам-мосини ҳал этиш йўлида бирлашишга чақи-раман. Бу борада Бирлашган Миллатлар Ташкилоти раҳнамолигига Афғонистон бўй-ича биргаликда ишлаб чиқилган, вазиятга мослашувчан ва конструктив позицияни бел-гилаш принципиал жиҳатдан муҳим, деб ҳи-соблайман.

Ўрнатилган раис!
Ўрнатилган анжуман қатнашчилари!
Биз барчамиз ҳозирги тарихий туб бури-лиш палласида келгуси авлодларга сайёра-мизни қандай ҳолда қолдириш ҳақида ўйла-шимиз лозим.

Мустақам тинчлик ва фарвонлиққа фақат умумий интилишлар ва биргалик-даги ҳаракатлар билан эришиш мумкин. Бизга ўзаро ишонч, бирдамлик ва ҳам-корлик руҳи ҳар қачонгидан ҳам кўпроқ зарур.

Сўзимнинг якунида Ўзбекистон шу йўлда Бирлашган Миллатлар Ташкилоти институт-лари ва барча давлатлар билан кенг кўламли ва узоқ муддатли шериклиқни чуқурлашти-ришга тайёр эканини яна бир бор таъкидла-моқчиман.

Эътиборингиз учун раҳмат.

ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ БМТ БОШ АССАМБЛЕЯСИНИНГ 78-СЕССИЯСИДА НУТҚ СЎЗЛАДИ

Ўзбекистонда янгиланган Конституция бўйича ўтказилган умумхалқ референдуми миллий тараққиётимизнинг устувор йўналиш-ларини белгилаб бергани қайд этилди. Шу ҳуқуқий асосда қабул қилинган "Ўзбекистон – 2030" тараққиёт стратегияси Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Барқарор ривож-ланиш мақсадларига уйғундир.

Йиғилиш иштирокчиларининг эътибори мамлакатимизда инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, мажбурий ва болалар меҳнатига тў-лиқ барҳам бериш борасида эришилган на-тижаларга қаратилди. Бир аср мобайнида Ўзбекистонда миллионлаб инсонлар пахта те-римига мажбурий равишда жалб этиб келин-гани, энди булар ўтмишга айланиб, халқимиз пахта қўллагидан буткул озод бўлгани қайд этилди.

Кейинги йилларда бу борада катта та-жриба тўплади – таълим тизими тубдан ўз-гармоқда. Ўтган олти йилда мактабгача таъ-лимдаги қамров 21 фоиздан 70 фоизга, олий таълимда эса 9 фоиздан 38 фоизга етди. 2030 йилга қадар ҳар бир боланинг боғча-га қатнаши, мактабни битираётган ҳар икки ўқувчининг бири эса олийгоҳда ўқиши учун имконият яратилади.

Давлатимиз раҳбари Марказий Осиёда-ги яхши қўшничилик, барқарорлик ва ўзаро ҳамкорлик муҳитига тўхтади.

Юртимиз ва барча қўшниларимиз бирга-ликдаги савдо-ҳаракатлар тўғрисида давлат че-гаралари, транспорт коридорлари ва сувдан фойдаланиш бўйича муаммоларни бартараф этишга муваффақ бўлди.

Минтақа давлатлари ўртасида ўзаро савдо икки ярим баробардан зиёд, қўшма кор-хоналар сони эса беш марта ўсди. Мин-тақамиз иқтисодий ривожланиш марказига, Шарқ ва Ғарбни, Шимол ва Жанубни боғлай-диган транспорт-коммуникация кўпригига айланиб, унга қизиқиш тобора ортиб бор-моқда.

Халқаро ҳамжамиятнинг қўллови билан Марказий Осиё бирдамлик йўлидан боришда давом этишига ишонч билдирилди. Уни тинч ва гуллаб-яшнаётган ҳудудга айлантириш Ўзбекистон ташқи сиёсатида бундан буён ҳам устувор мақсад бўлиб қолади.

Аҳолисининг деярли ярми ёш авлод ва-киллари бўлган Марказий Осиё учун ёшлар ва уларнинг салоҳиятини рўёбга чиқариш масаласи айниқса долзарб аҳамиятга эга экан-ни таъкидланди.

Бу соҳада Бирлашган Миллатлар Ташкило-ти ва унинг ихтисослашган тузилмалари би-лан самарали ҳамкорлик ўрнатиш мақсадида Марказий Осиё ёшларини ривожлантиришга кўмаклашиш бўйича ишчи гуруҳ ташкил этиш ва унинг доирасида "Марказий Осиё ёшлари-нинг кун тартиби – 2030" дастурини ишлаб чиқиш таклиф этилди.

Ҳозирги вақтда дунёда кескин экологик вазият кузатилиб, сайёрамиз миқёсида учта инкироз, яъни иқлим ўзгариши, биохил-ма-хиллик йўқолиши ва атроф-муҳит ифлос-ланиши кучайиб бораётганини қайд этиб, Президентимиз Марказий Осиё иқлим ўзга-ришлари олдида энг заиф минтақалардан би-рига айланаётганини кўрсатиб ўтди.

Ўзбекистон томонидан Орол фожияси оқибатларини бартараф этиш йўлида қўри-лаётган чоралар, минтақамиздаги иқлим ўз-гаришининг салбий таъсири ва сув билан таъминланганлик даражасининг камайиш тенденциялари тўғрисидаги маълумотлар келтирилди.

Давлатимиз раҳбари экстремизм тарқали-шига, ёшларнинг радикаллашувига йўл қўй-маслик учун биргаликдаги ҳаракатларни фа-оллаштиришга тўхталиб ўтди.

Жаҳон миқёсида динлараро бағрикенглик ва ҳамжиҳатлик ғояларини кенг тарғиб этиш мақсадида Ўзбекистонда ЮНЕСКО шафели-гида Динлараро мулоқот ва бағрикенглик халқаро марказини ташкил этиш таклиф қи-линди.

Исломнинг асл инсонпарварлик моҳияти-ни чуқур очиб бериш мақсадида 2024 йил Ўзбекистонда "Ислом – тинчлик ва эзгулик дини" мавзусида халқаро конференция ўтка-зиш ташаббуси илгари сурилди.

Халқаро хавфсизлик Афғонистондаги жа-раёнлар билан бевосита боғлиқлиги қайд

ЯЛПИ МАЖЛИС МУЎЖИМ, аммо ноаниқликлар бор

Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг навбатдаги мажлиси бошланди. Аънанавий тарзда кун тартибидан ўрин олган масалалар кетма-кетлик асосида кўриб чиқиладиган бўлади. Бир меъёрга ўтадиган мажлисда доимги фаол депутатлар сўз сўрайди, фикр айтади, изоҳ талаб қилади ёки эътироз билдиради. Бу гал ҳам фаоллар қонун лойиҳасида нима сабабдан эҳтиёж борлигини ва ундаги меъёрларнинг мазмунини тушунтириб берилишини астойдил сўради.

Хусусан, “Ўзбекистон Республикасининг Жиноят, Жиноят-процессуал кодексларига ҳамда Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида”ги қонун лойиҳаси иккинчи ўқишда кўриб чиқилди. Унда мобил қўрилманинг халқаро ўзига хос идентификация кодини ёки абонент қўрилмасининг идентификациялаш модулини қонунга ҳилоф равишда ўзгартирилганлиги ёки унинг нусхасини кўчирганлиги учун ҳам маъмурий ва жиноий жавобгарликни назарда тутувчи меъёрлар белгиланмоқда.

Ёдингизда бўлса, ушбу тизим жорий этилганда кўплаб эътирозларни келтириб чиқарган эди. Ўшанда нега бунга эҳтиёж ёки зарурат туғилгани одамларга керакли тарзда тушунтириб берилмаган бўлиши мумкин.

Эндикликда нега жавобгарлик белгиланяпти, уяли алоқа воситасидаги қонун ҳам парламент вакиллари бош қотирадими, дейишга шошилманг. Чунки ушбу меъёр орқали сизу биз каби оддий одамлар, яъни телефон апаратидан фойдаланувчиларнинг ҳуқуқлари, асосийси, ҳавфсизлиги ҳимоя қилинар экан. ИИВнинг маълумотларига кўра, бугунги кунда битта идентификация коди 5 мингтагача уяли алоқа воситасида фойдаланилаётган ҳолатлар бор экан. Бу эса жиноят ҳолатларини аниқлашда ана шу код билан телефон апарати ишлатаётган шунча фуқароннинг шахсига оидлиқ киритиш кераклигини аниқлатади. Соддароқ қилиб айтганда, жиноятчи битта, гунодор эса беш мингта, дегани.

Масалани яна бир жиҳати, бир неча ўн миллиардлаб товарларнинг контрабанда йўли билан олиб келинишига чек қўйилди. Аммо фирибгарликнинг янги шакли, яъни битта телефон учун мўлжалланган кодни бир неча минглаб нусхада клонлаштириш ҳолатлари авжига чиқди. Ваҳоланки, бу ахборот ва шахс ҳавфсизлигига ҳам даҳл қилувчи омиллардан саналади.

Масалан, телефон апаратида фаоллашти-

рилган код орқали картадан тўловлар, пул ўтказмаларини амалга ошириш ёки бошқа турдаги хизматлардан фойдаланиш имкони мавжуд. Битта коднинг кўплаб телефонларда бўлиши эса ана шундай ҳолатларда хавфсиз саналмайди. Кибержиноятлар сони ошиб кетишига олиб келади. Ёхуд йўқолган апаратни топиш, унинг эгаси турган жойни аниқлаш каби вазиятларда ҳам ҳар бир воситага алоҳида рақам бўлишини талаб этади.

Демак, уяли алоқа воситаларининг идентификация рақамини рўйхатдан ўтказиш фақатгина давлат газнасини бойитишга қаратилган ҳаракат эмас. Бу орқали ахборот хавфсизлигини таъминлабгина қолмай, фуқароларнинг ахборот алмашиш ҳуқуқлари ҳимояланади. Бундан буён эса уларни клонлаштириш жавобгарликка тортишга сабаб бўлади ва бу тўғри қарор, деган фикрлар билдирилди. Депутатлар ҳар бир савол бўйича берилган изоҳлардан сўнг, лойиҳани маъқуллади.

НОДАВЛАТ АРХИВ ТАШКИЛОТИ ҚАНДАЙ ҲУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРГА ЭГА?

Навбатдаги лойиҳа “Лицензиялаш, рухсат бериш ва хабардор қилиш тартиб-таомиллари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига қўшимчалар киритиш ҳақида бўлди. Иккинчи ўқишда қўрилаётганга қарамадан, тузатишлар, ўзгартиришлар қолиб кетган ҳолатлар анчайин муҳокамага қизгин тус берди.

Мазкур ҳужжат билан “Лицензиялаш, рухсат бериш ва хабардор қилиш тартиб-таомиллари тўғрисида”ги қонунга нодавлат архивлар фаолиятини бошлаганлик ва тугатганлик тўғрисида хабарнома юборишни назарда тутувчи хабардор қилиш тартибини жорий этишга қаратилган қўшимчалар киритилмоқда.

Шунингдек, нодавлат архив фаолиятини бошлаганлик бўйича ваколатли органни хабардор этмасдан фаолиятни амалга оширганлик, хабардор қилиш тартибиде фаолият юритиш учун берилган талаблар ва шартларнинг бажарилганлиги юзасидан ваколатли органга ёлгон ёки нотўғри маълумотлар берганлик учун жавобгарлик белгиланмоқда.

Аммо лойиҳада айрим тушунарсиз жиҳатлар ҳам йўқ эмас экан. Масалан, нодавлат архив фаолиятини бошлаш ва ташкил этиш орасида катта фарқ бор. Бу амалиётда муаммоларга сабаб бўлиб қолиши мумкинлиги таъкидланди. Ушбу ҳолат ташкил этувчи субъект ким деган саволни юзага келтирди. Қонун ташаббускорлари депутатларнинг фикрларини инобатга олчи, мазкур хатони тўғрिलाб вазифаси-

ни зиммасига олди. Чунки архив фаолиятини ташкил этиш ваколати амалдаги қонунчиликка кўра, давлат архивига тегишлидир. Лойиҳадан асосий мақсад эса нодавлат ташкилот фаолиятини тугатадиган бўлса, ундаги ҳужжатларнинг тегишли тартибда бошқа фондга ўтказилишини таъминлашдан иборат.

Зеро, шу кунгача иши тўхтаган ташкилотлар бу ҳақида ҳужжат эгаларини хабардор қилмаган ва натижада архивларнинг йўқолиб қолиш ҳолатлари учраб келган. Мазкур лойиҳа ана шундай вазиятларда жавобгарликни оширишга хизмат қилиши билан аҳамиятлидир. Шунга қарамай, айрим моддалар ўзгартирилган ва мавҳум меъёрлар чиқариб юборилган бўлди. Ана шундай шарт билан депутатларнинг аксарияти иккинчи ўқишда лойиҳани маъқуллади.

ПЕНСИЯЛАР ЙИЛЛИК ИНФЛЯЦИЯДАН КЕЛИБ ЧИҚИБ ОШИРИЛАДИ

Мажлис давомида халқимизни бирдек қизқитирадиган ва уларнинг мамнуниятига сабаб бўладиган лойиҳа кўриб чиқилди. Гап шундаки, ўз вақтида олинмаган пенсияларни тўлаш муддати 24 ойгача узайтирилмоқда.

Бу “Ўзбекистон Республикасининг айрим қонунларида ногиронлиги бўлган шахсларнинг ижара муносабатларидаги ҳуқуқ ва эркинликларини янада мустаҳкамлаш ҳамда пенсияларни тайинлаш ва тўлаш тартибини такомиллаштиришга қаратилган ўзгартиришлар киритиш ҳақида”ги қонун лойиҳасида кўрсатилмоқда.

“Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида”ги қонунга тегишли ўзгартиришлар киритиш йўли билан аҳолининг ҳаёт даражасини янада ошириш, шунингдек, ижтимоий ҳимоя дастурларининг самарадорлигини қайта кўриб чиқиш, халқаро стандартларга ва замон талабларига мувофиқлаштириш назарда тутилмоқда. Жумладан, амалдаги қонунчиликка кўра, пенсионерларга ҳисоблаб қўйилган, лекин улар томонидан талаб қилиб олинмаган пенсиялари мурожаат қилинган вақтдан олдинги 12 ой учун тўлаб берилади. Натижада пенсионерлар 12 ойdan кўп вақт республика ҳудудида бўлмаганда уларга ўн учинчи ва ундан олдинги ойлар учун пенсия тўланмайди.

Ваҳоланки, бундай пенсионерлар йилига ўртача 820 нафарни ташкил этади. Уларга тўланмаган пенсия миқдори эса 15 миллиард сўмга етади. Демак, лойиҳа билан шунча фуқароннинг ҳуқуқлари ҳимояланиши кўзланган.

Таклиф этилаётган қонун лойиҳасига кўра,

2024 йил 1 январдан бошлаб ҳисоблаб чиқарилган, лекин олинмаган пенсияларни тўлаш муддати икки баробарга, яъни 12 ойdan 24 ойгача узайтирилмоқда. Шунингдек, пенсиялар миқдори йил давомида товарлар ва хизматларнинг истеъмол нархлари индекси даражасининг ўсиш суръатларини ҳисобга олган ҳолда, ошириб борилишини, маҳкумлар озодлиқдан маҳрум қилинган даврларида амалга оширган фаолияти даврлари пенсия олиш ҳуқуқини берадиган фаолият тури сифатида белгиланишини назарда тутувчи ўзгартиришлар киритилиши назарда тутилмоқда.

Депутатлар ушбу лойиҳанинг муддатидан кечикканини танқид қилди. Зеро, ушбу қонун лойиҳаси ўтган йили 1 ноябрда кириб келиши керак эди. Шунингдек, даромадлар индексация қилинган тақдирда, пенсия қайта ҳисобланиши билан боғлиқ меъёрга оидинлик киритиш зарурлиги қайд этилди. Лойиҳага кўра, мазкур масала Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҳужжатлари асосида амалга оширилишидаги мавҳумлик очикланиши керак, деган фикр билдирилди. Мажбурият нега Молия вазирлиги ёки ҳукуматга қаратилмагани саволларни келтириб чиқарди.

Яъни, индексация қай тартибда ва ким томонидан амалга оширилиши билан боғлиқ масала очик қолган. Яна бир жиҳати, қайси давлат амалга оширилиши билан боғлиқ аниқ муддат кўрсатилмаган. Ваҳоланки, пенсия олувчилар нархлари ошган товарлар ва хизматлардан ўша вақтда фойдаланиши керак, келажақда эмас.

Инфляция ўсиш суръатларига кўра пенсияларнинг миқдори оширилиши бюджетдан қанча маблағ талаб қилиши ва буни ким белгилashi бўйича тизим ишлаб чиқилиши зарур. Ташаббускорлар эса мажбуриятни давлат раҳбарига қаратиш билан қийоаланган.

Депутатлар эҳтиёж бўлган ҳужжатни биринчи ўқишда маъқуллади. Аммо ҳали ўзгартирилиши керак бўлган жиҳатлари анчагина кўринади.

Шундан келиб чиқиб, таклиф этилаётган меъёрларга аниқлик киритиш, Президент ҳужжатларига кўра амалга оширилиши билан боғлиқ масалани қайта кўриб чиқиш ва бу борада тизим яратиш зарур, деган ҳулоса берилди.

Қўйи палата мажлисида яна бир қатор қонун лойиҳалари кўрилди ва улар тузатиш, ғализлик ҳамда ноаниқликларни бартараф этиш шартлари билан кўпчилик овозда маъқулланди.

Зилола УБАЙДУЛЛАЕВА,
“Ўзбекистон овози” муҳбири.

ПАРЛАМЕНТ НАЗОРАТИ

ЎРГАНИШ, ТАҲЛИЛ, ЕЧИМ

Давлатимиз раҳбарининг Фарғона, Тошкент, Бухоро ва Самарқанд вилоятларига ташрифлари мобайнида ўтказилган йиғилишларда ҳудудларда иш ўринлари яратиш, бандлик даражасини ошириш, озиқ-овқат ва энергия хавфсизлигини таъминлаш, ҳуқуқбузарликларни камайтириш ва олдини олиш, иқтисодиёт тармоқларига инвестицияларни фаол жалб этиш каби устувор масалаларни амалга ошириш бўйича кенг кўламли ишлар амалга оширилиши кераклиги таъкидлаб ўтилган эди.

Белгилаб берилган кенг кўламли вазифалар ижросини таъминлаш мақсадида Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари иштирокидаги ишчи гуруҳлар жойларда бўлиб, депутатлик ва парламент назоратини амалга ошириш мақсадида қатор ўрганишлар олиб бормоқда. Халқ депутатлари Кенгашларининг сессияларида давлатимиз раҳбари томонидан белгилаб берилган вазифалар ижроси билан боғлиқ масалалар атрофлича таҳлил қилиниб, масъул идораларга таклифлар берилиб, зарурий чоралар белгилаб олинмоқда.

Ўтган ҳафта давомида Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Спикери ўринбосари, ЎзХДП фракцияси раҳбари Улугбек Иноятов бошчилигидаги ишчи гуруҳ Самарқанд вилоятининг Каттакўрғон шаҳри ва Оқдарё туманларида бўлишди.

Халқ депутатлари Каттакўрғон шаҳар Кенгашининг 14 сентябрдаги сессиясида депутатлар томонидан янги иш ўринлари яратиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш, 2023-2024 йилларда куз-қиш мавсумига тайёргарлик кўриш, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва профилактикасини таъминлаш ҳамда жиноятчиликка қарши курашиш, аҳоли ва ижтимоий соҳа объектларини 2023 йилда “Яшил энергия” ресурслари билан барқарор таъминлаш юзасидан амалга оширилган ишлар муҳокама қилинди.

Сессияда Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон – 2030” стратегияси тўғрисида”ги Фармони ва “Ўзбекистон – 2030” стратегиясини 2023 йилда сифатли ва ўз вақтида амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорининг мазмун-моҳияти ва аҳамиятига алоҳида тўхтади. 5 та асосий гоя бўйича 100 та мақсадни ўз ичига олган “Ўзбекистон – 2030” стратегияси келгуси 7 йил давомида амалга ошириладиган аниқ режалар билан аҳамиятли экани таъкидланди.

Кун тартибиде муҳокама қилинган масалалар юзасидан Каттакўрғон шаҳар ҳокими ва Каттакўрғон шаҳар ички ишлар бошқармаси бошлигининг ҳисоботлари тингланди.

Каттакўрғон шаҳрида олиб борилаётган манзилли ишлар ҳам бунинг исботидир. Хусусан, аҳоли

бандлигини таъминлаш ва янги иш ўринлари ташкил этиш борасида **жорий йилнинг биринчи ярим йиллигида 5 815 та иш ўрни** яратилган. Оилавий тадбиркорликни ривожлантириш дастурлари доирасида **1 078 нафар фуқарога 19,8 млрд сўмлик имтиёзли кредитлар** ажратилган.

Шаҳарда ишга жойлаштиришга муҳтож ишсизлар, хотин-қизлар, ёшлар, таълим муассасалари битирувчилар, вояга етмаганлар, қуроли кучлар ва жазони ижро этиш муассасаларидан бўшатирилганлар бандлигини таъминлаш мақсадида **январь-июль ойларида 8 марта меҳнат ярмаркаси ўтказилиб, 167 та корхона ва ташкилот 574 та бўш иш ўринлари** билан қатнашган.

Қайд этилишича, Каттакўрғон шаҳрида Президентимиз томонидан белгилаб берилган вазифалардан келиб чиққан ҳолда, жиноятчиликни жилавлaш ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш борасида қатор амалий ишлар олиб боришмоқда.

Сессияда амалга оширилган ишлар ва ютуқлар билан бирга йўл қўйилаётган сусткашлик ва камчиликлар таҳлил қилинди. Хусусан, шаҳар бўйича **жорий йилнинг ўтган 7 ойи давомида барча йўналишдаги жиноятлар ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 1,3 фоизга кўпайган. Олиб берилган профилактик тадбирларга қарамадан, айрим олдини олиш мумкин бўлган жиноят турлари ошишига йўл қўйилган.**

Ҳуқуқбузарликларни барвақт профилактика қилиш борасидаги ишларни янада жадаллаштириш,

жиноятларни тубдан камайтириш мақсадида **шаҳардаги маҳаллалар, кримноген вазият ва аҳоли сонидан келиб чиққан ҳолда, “қизил”, “сарик” ва “яшил” тоифаларга** ажратилган. Бу орқали ҳар бир “қизил” ва “сарик” маҳаллаларда ҳуқуқбузарлик содир этилиши юқори бўлган объектлар, жиноят содир этишга мойил бўлган шахслар тоифага ажратилиб, жиноятларни жилавлaш бўйича профилактик ишлар олиб боришмоқда.

Маҳаллаларнинг рангли тоифаларга ажратилиши уларга бўлган муносабатни ҳам белгилайди. Яъни, ҳуқуқбузарлик содир этилиш эҳтимоли юқорироқ бўлган ҳудудларда назорат ҳам кучлироқ бўлади. Бу эса маълум даражада ҳуқуқбузарлик содир этилишини камайтиради.

Сессияда маҳаллаларда жиноятчиликнинг олдини олиш бўйича белгиланган вазифалар ижроси етарли даражада таъминламагани қайд этилди. Профилактика инспекторларининг масъулиятини кучайтириш, жиноятларни ўз вақтида қош этиш борасидаги тадбирлар самарадорлигини ошириш, қош этилмасдан қолаётган жиноятларни очиш ишларини кучайтириш каби таклифлар илгари сурилди.

Йиғилиш давомида шаҳарнинг куз-қиш мавсумига тайёргарлик жараёни ҳам таҳлил қилинди. Шаҳарда куз-қиш мавсумига тайёргарлик юзасидан қатор ишлар амалга оширилган бўлиб, бошқарув сервис компаниялари томонидан **53 та кўп хонадонли уйларнинг кириш йўлаклари, 13 та кўп қаватли уйларнинг ертўла қисмидаги 236 метр** оқова ва сув қувурлари, **8 та** уйларнинг ичимлик сув қувурлари, **5 та** уйлар олдидаги болалар ўйингоҳлари, **86 та** уйларнинг атрофидаги **280 метр** ирригация тармоқлари таъмирланиб, **84 донa** электр таксимловчи шитларнинг автоматлари янгисига алмаштирилган. Сессияда аҳоли хонадонларини иситиш тизимидаги мавжуд муаммоларга ҳам тўхталиб ўтилди.

Шунингдек, куз-қиш мавсумига тайёргарлик жараёнлари билан боғлиқ муаммоларни зудлик билан бартараф этиш, кўп қаватли уйларга босқичма-босқич марказлашган қозонхоналар ўрнатиш ишларини бошлаш зарурлигига эътибор қаратилди.

ОҚДАРЁДА ПАРЛАМЕНТ НАЗОРАТИ ОЛИБ БОРИЛДИ

Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги Халқ демократик партияси фракцияси аъзолари Самарқанд вилояти Оқдарё туманида ҳам парламент ва депутатлик назоратини олиб боришди.

Халқ депутатлари Оқдарё туман Кенгашининг 15 сентябрдаги сессиясида депутатлар томонидан 2023 йил давомида янги иш ўринлари яратиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш, янги куз-қиш мавсумига тайёргарлик кўриш, шу жумладан, энергияни тежовчи технологиялардан фойдаланиш, энергия самарадорлиги таъминлаш, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ҳамда жиноятчиликка қарши курашиш, туманда тиббиёт бирлашмаси томонидан 2023 йил ярим йиллиги якуни бўйича амалга оширилган ишлар муҳокама қилинди.

Кун тартибидеги масалалар юзасидан Оқдарё туман ҳокими, туман прокурори, туман ички ишлар бўлими, туман тиббиёт бирлашмаси бошлиқларининг ҳисоботлари тингланди. Оқдарё туманида ҳам қатор ишлар олиб боришмоқда. Хусусан, 2023 йилнинг ўтган даврида туманнинг **“ишсизликдан ва камбағалликдан ҳоли ҳудудга айлантириш”** мақсадида **19101 нафар** фуқаронинг бандлиги таъминланган. **Ишсиз фуқароларни касбга ўқитиш** бўйича жорий йилнинг ўтган даврида ҳоким ёрдамчилари кўмагида **841 нафар** ишсиз фуқаролар **“Ишга марҳамат”** мономаркази ва бошқа нодавлат таълим муассасаларида касбга ўқитилмоқда.

Энергия ресурсларидан оқилона фойдаланиш, ноқонуний фойдаланишнинг олдини олиш, қайта тикланувчи энергия манбаларидан кенг фойдаланиш, шунингдек, 2023-2024 йиллар куз-қиш мавсумига тайёргарлик кўриш, объектларда қуёш панеллари ва қуёш сув иситиш коллекторлари ўрнатиш ҳамда иқтисод қилинган энергия ресурсларини истеъмолчиларга, биринчи навбатда, аҳоли ва ижтимоий соҳа объектларига йўналтириш мақсадида қатор ишлар амалга оширилмоқда. Жумладан, **бугунги кунда тумандаги 36 мингта газлашган хонадонларнинг 12 минг 300 таси (34,2 фоизи) табиий газ ва 23 минг 700 таси (65,8 фоизи) суюлтирилган газ билан таъминланган. Аммо табиий газ таъминотида 1,0 млн. метр куб, электр**

энергияси таъминотида 12,6 млн. кВт/соат дефицит мавжуд.

Бу ерда ҳам депутатлар амалга оширилган ишларни эътироф этиш билан бирга йўл қўйилаётган сусткашлик ва камчиликларни таҳлил қилишди. Хусусан, ўтган давр мобайнида туман ҳудудида жиноят ва ҳуқуқбузарликларни барвақт олдини олиш борасида бир қатор тезкор профилактик ишлар амалга оширилишига қарамадан камчиликларга ҳам йўл қўйилган. Умумий жиноятлар **26,2 фоизга** ошган. Содир этилган жиноятларнинг **20,8 фоизини** маҳалла ҳудудида олдини олиш мумкин бўлган жиноятлар ташкил қилмоқда. Жиноятларни камайтириш ва олдини олиш учун профилактика инспекторларининг масъулиятини кучайтириш, жиноятларни ўз вақтида қош этиш борасидаги суриштирувлар самарадорлигини ошириш юзасидан таклифлар илгари сурилди.

Шунингдек, куз-қиш мавсумига тайёргарлик жараёнлари билан боғлиқ муаммоларни зудлик билан бартараф этиш, газ ва электр таъминотидаги дефицитларни қоплаш учун хонадонларга замонавий гарелкалар ўрнатиш, ижтимоий соҳа объектларини табиий газдан кўмирга ўтказиш ишларини жадаллаштириш масалаларига ургу берилди.

Сессияда муҳокама қилинган масалалар бўйича тегишли қарорлар қабул қилинди.

Мукаммал жамият, мукаммал тизим ташкил қилиш мураккаб, қатъий ва изчил меҳнат талаб қиладиган жараёндир. Ҳар бир халқ ўз қадриятларига йўғрилган, манфаатлар, ғурур ва онг миллийлиги билан сўғорилган жамият барпо қилиш учун курашади. Биз барпо қилишга интилаётган жамият учун ҳар биримиз ўз масъулиятимизни чуқур англаган ҳолда ҳаракат қилишимиз талаб этилади.

Юқоридаги сессияларни ёритиш орқали мамлакатимизни бутун бир механизм деб олсак, унинг бор-йўғи бир мурватининг ишлашига разм солдик, холос. Аслида ҳаммаиз жамият деб аталадиган бир механизмнинг қайсидир мурватларини ташкил қиламиз. Ҳар қандай механизм текис ва раван ишлаши учун унинг ҳар бир бўлаги ўз вазифасини беками-кўст бажариши керак. Сиз ҳам, мен ҳам, ҳаммаиз...

Аҳмад ҚУРБОНОВ,
“Ўзбекистон овози” муҳбири

АРЗОН ЁКИ ҚИММАТ ЭМАС, ЎЗ НАРХИДА

ЯКИНДА ЭНЕРГЕТИКА ВАЗИРИ ЖЎРАБЕК МИРЗАМАХМУДОВ АҲОЛИГА ЕТКАЗИБ БЕРИЛАЁТГАН 1 КВН ЭЛЕКТР ЭНЕРГИЯСИНИНГ ТАННАРХИ 800 СЎМДАН ОШИҚҚА ТУШАЁТГАНИНИ ТАЪКИДЛАГАН ЭДИ. БУНГА ИМПОРТДАН КЕЛТИРИЛАДИГАН ТЕХНОЛОГИК УСКУНАЛАР ҲАМДА БОШҚА МАҲСУЛОТЛАРНИНГ НАРХИ ОШИБ БОРАЁТГАНИ САБАБ ҚИЛИБ КЎРСАТИЛГАН. ШУНГА ҚАРАМАЙ, АҲОЛИГА 295 СЎМ, ЮРИДИК ШАХСЛАРГА 450 СЎМДАН НАРХ БЕЛГИЛАНГАН. ДЕМАК, ТАДБИРКОРЛАРГА ҲАМ ДАВЛАТ

БЮДЖЕТИДАН СУБСИДИЯЛАНГАН ЭЛЕКТР ЭНЕРГИЯСИ ЕТКАЗИЛЯПТИ.

КЕЛТИРИЛГАН АСОСЛАРДАН НАРХЛАРНИ ОШИРИШГА ЗАРУРАТ НАФАҚАТ БОРЛИГИ, БАЛКИ ЮҚОРИЛИГИНИ АНГЛАШ ҚИЙИН ЭМАС. ЯЪНИ, ЭЛЕКТР ЭНЕРГИЯ УЧУН ҲАҚ ТЎЛАШ БЎЙИЧА РЕЖАЛАШТИРИЛАЁТГАН ЎЗГАРИШНИ НАРХНИНГ ОШИШИ ЭМАС, УЗОҚ ЙИЛДАН БЕРИ КЕЧИКТИРИБ КЕЛИНАЁТГАН ВАЗИФАНИНГ БАЖАРИЛИШИ, ДЕБ ТУШУНИШ ТЎҒИРОҚ БЎЛАДИ.



Анвар ТЕМИРОВ,
Олий Мажлис Қонунчилик
палатаси депутаты,
Ўзбекистон ХДП фракцияси
аъзоси:

— Кейинги йилларда Ўзбекистоннинг иқтисодий ўсиш динамикаси барқарорлашди. Ушбу тенденция аҳоли турмуш даражасига ижобий таъсир кўрсатмоқда. Бошқа томондан бу икки омил электр энергияси истеъмолининг муттасил равишда ортишига сабаб бўляпти.

Нарх шаклланишининг бозор механизмлари йўқлиги туфайли давлат энергетика соҳасини субсидиялашга мажбур бўляпти. Бир киловатт-соат электр энергиясининг таннархи — 970 сўм. Демак, бир ойда ўртача 200 киловатт-соат электр энергияси истеъмоли қилинганда ҳам, давлат амалда ҳар битта истеъмолчи учун 135 минг сўмдан суб-

сидия бермоқда. Мамлакатдаги истеъмолчилар сони эса 7,4 миллион хонадонни ташкил этади.

Худди шундай, 1 кубометр газ таннархи 1890 сўм бўлса, иситиш мавсумида 750 кубометр газ ёқаётган битта оила ўртача 1 миллион 132 минг сўм субсидия олмоқда. Айни пайтда мамлакатимиздаги газ истеъмолчиларининг жами сони 4,1 миллион хонадонни ташкил қилади.

Бугун аҳолига электр энергияси ва табиий газ истеъмоли учун ўртача 14 триллион сўмдан ортиқ субсидия ажратилмоқда. Бу бир йилда ўртача 1,15 миллиард АҚШ доллари энергетик эҳтиёжини субсидиялаш учун сарфланыпти, дегани.

Соҳанинг зарар билан ишлаётгани ҳисобига уни Давлат бюджетидан субсидиялаш камомадга олиб келмоқда. Бу эса ижтимоий соҳага кўпроқ маблағ йўналтиришга имкон бермаяпти. Натижада тизимни янгилашга йўналтириш мумкин бўлган маблағлар фақатгина пайдо бўлган тафовутни қоплашга сарфланмоқда. Мамлакатимиз дунё миқёсида энергетикага энг кўп субсидия ажратадиган давлатлар қаторида туради.

Бироқ сунъий ушлаб турилган паст нархлар соҳага хусусий инвестицияларнинг кириб келишига тўсқинлик қилади. Демак, нархларни тўлиқ субсидиялаш ўрнига соҳага бозор тамойилларини жорий этиш, истеъмоли қилинган энергия учун бозор талабларидан келиб чиқиб, ҳақ тўланиши муҳимдир.

Агар соҳага бозор қонунлари жорий қилинса, тизим тўғри ишлашни бошлайди. Бюджет маблағини нотўғри тизимга эмас, янги мактаблар, тиббиёт муассасалари қурилиши каби одамларга аниқ фойдаси тегадиган ишларга, энергетика тизимини чуқур модернизация қилишга сарфлаш мумкин.



Аброр ҚУРБОНОВ,
Ўзбекистон ХДП Марказий
Кенгаши бошқарма
бошлиғи:

— Маълумки, юртимизда субсидияланган тизим амал қилади. Яъни, қим қанча электр энергияси ишлатса ҳам, унинг ўртача 40 фоизи бюджетдан қопланади. Масалан, қимдир ойига 1 миллион сўмлик электр энергия истеъмоли қилса, бунинг 40 фоизи ёки 400 минг, 100 минг сўмлик электр сарфлаганга 40 минг сўм давлат ҳисобидан қопланади. Қим қанча кўп электр энергиясидан фойдаланса, шунча кўп пул оляпти.

Таҳлилларга кўра, аҳоли томонидан электр ҳамда газ истеъмоли бир хил эмас ва номуносиблик юзага келган. Хусусан, ойига 200 кВт. соатгача сарфлайдиган хонадонлар истеъмолчиларнинг 80 фоизини ва умумий истеъмолнинг ярмини, 20 фо-

изи қолган ярмини ташкил қилиши маълум бўлди. Бу, соддароқ айтсак, 5 киши учун мўлжалланган овқатнинг ярмини 4 киши, қолганини эса бир киши егани билан баробар. Худди шундай ҳолат табиий газ таъминотида ҳам кузатилади.

Дунёда аллақачон мавжуд тизимни Ўзбекистонда ҳам жорий қилиш вақти келди. Чунки энергия манбаларини тежаш, улардан самарали фойдаланиш, тизимдаги муаммоларни бартараф этиш учун ислохотларга эҳтиёж бор.

Бир неча йилдан буён электр энергиясининг нархи оширилмай келаяпти. Ваҳоланки, уни ишлаб чиқариш, сотиб олиш ва етказиб беришдаги нархлар анча қимматлашган. Пандемия ва унинг кетидан келган турли муаммолар сабаб нархлар кўтарилмади. Агар ҳар йили кам-камдан оширилганда ҳам бугунги нархдан 1,5-2 баробар қимматроқ кўрсаткичга келган бўлар эди.

Менимча, ҳар қандай ўзгариш вазиятни очиқ айтиш, ўзаро ишончни мустаҳкамлаш орқали бўлиши керак. Нарх ва тарифларда ўзгариш қилинадиган бўлса, мутасадди ташкилотлар таъминотда қўтилмаган ва узоқ муддатли ўзилишлар бўлмаслигига кафолат бериб, қатъий мажбурият олиши зарур.

Энергия манбаларини ишлаб чиқариш ва етказиб беришдаги нархларнинг очиқ-ойдин маълум қилиниши шубҳаларга чек қўяди. Инсон истеъмоли қилаётган маҳсулотни ёки фойдаланётган хизматининг асл нархини билса, ундан кам пул тўлаш учун оёқ тираб олмаслиги аниқ. Шунинг учун ҳам, ҳар бир масала очикланиши, рақамлар кўрсатилиши тарафдориман.

Зилола УБАЙДУЛЛАЕВА
тайёрлади.

МУНОСАБАТ

ОИЛА ВА ХОТИН-ҚИЗЛАРНИНГ ИЖТИМОЙ ҲИМОЯСИ ЯНАДА КУЧАЯДИ



Назира МАТЯҚУБОВА,
Қорақалпоғистон
Республикаси Жўқорғи
Кенгесидаги ЎзХДП
фракцияси аъзоси:

— Бугун оила ва хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш масаласи давлатимиз сиёсатининг устувор йўналиши сифатида мустаҳкамланганлиги яққол кўзга ташланмоқда. Яқиндагина Президентимиз фармони билан тасдиқланган "Ўзбекистон-2030" стратегиясида ҳам оилалар ва хотин-қизларнинг ҳаёт шароитини янада яхшилашга қаратилган қатор мақсадлар ўз ифодасини топгани бунинг исботидир.

Фармонда таъкидланганидек, мазкур стратегия халқимизнинг эркин ва фаровон,

қудратли Янги Ўзбекистонни барпо этиш бўйича хоҳиш-иродасини рўёбга чиқариш, ҳар бир фуқарога ўз салоҳиятини ривожлантириш учун барча имкониятларни яратиш, кучли иқтисодий шакллантириш, жоматчилик фикри асосида ишлаб чиқилди.

"Ўзбекистон-2030" стратегиясини 2023 йилда сифатли ва ўз вақтида амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Президент қарорида аниқ вазифалар белгиланган.

Жумладан, 2023 йил 1 октябрдан бошлаб оғир ҳаёт вазиятга тушган ёки тушиш хавфи юқори бўлган ҳар бир оила бўйича алоҳида "ижтимоий хизмат иши"ни юритиш тартиби амалиётга жорий этилади. Бунда ушбу оилаларда шароитни яхшилаш, уларни доволаш, дори воситалари билан таъминлаш, фарзандларини мактабгача ва мактаб таълими ташкилотларига жойлаштириш, моддий ёрдам бериш каби ижтимоий хизматлар кўрсатиш назарда тутилмоқда.

Шунингдек, хотин-қизларнинг ижтимоий фаоллигини ошириш, уларга ўз салоҳиятини тўлақонли рўёбга чиқариши учун қўшимча шарт-шароитларни яратиш мақсадида 2024 йил 1 январдан бошлаб оғир ижтимоий аҳволга тушиб қолган хотин-қизларни қайта касбга тайёрлаш харажатларини давлат томонидан қоплаб бериш тартиби жорий этилмоқда.

Оилалар сонига нисбатан уй-жойлар сони, автомобиллар сони, маиший хизмат техникалари билан таъминланганлик даражаси ва бошқа кўрсаткичлар эса турмуш даражамиз қанчалик ўзгарганини кўрсатади.

Бу — ҳаёт. Ҳар қимнинг жисмоний, ақлий

ёки ўзига боғлиқ бўлмаган бошқа имкониятлари турлича. Тан олиш керакки, орамизда оғир ҳаёт вазиятга тушган ёки тушиш хавфи юқори бўлган оилалар мавжуд. Уларнинг давлат эътиборида бўлиши ҳеч қимдан кам бўлмаган таълим, тиббий, ижтимоий хизматлардан фойдаланиши учун тўлиқ имкониятлар яратиш борасида олиб борилаётган кенг қўламли ишларнинг узвий давомии сифатида "Ўзбекистон-2030" стратегиясида бу масалалар ўз ифодасини топган.

Ундаги "аҳоли талабларига ва халқаро стандартларга тўлиқ жавоб берадиган таълим, тиббиёт ва ижтимоий ҳимоя тизимини ташкил қилиш", "халқ хизматидаги адолатли ва замонавий давлатни барпо этиш" ва бошқа асосий ғоялар негизда эзгу мақсадлар мужассам. Шу ўринда таъкидлаш лозимки, ҳозирги кунга келиб Қорақалпоғистон Республикасида оғир шароитда яшаётган, ижтимоий ҳимояга муҳтож 51 минг оиланинг уй-жой шароити яхшиланди. Айрим ҳудудларда аҳолига тоза ичимлик сувини етказиб бериш қатор қийинчиликлар билан амалга оширилаётган бир пайтда Қорақалпоғистонда ичимлик сув билан таъминлаш даражаси 71 фоизга етди.

Имконияти йўқлиги туфайли ёрдамга муҳтож оилалар ҳимояланмоқда. Вазирлар Маҳкамасининг 2023 йил 2 февралдаги "Қорақалпоғистон Республикасида аҳоли учун муносиб турмуш шароитларини яратиш ва маҳаллалар инфратузилмасини янада яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорига асосан барча овул ва қишлоқлардаги аҳоли турар жойлари хатловдан ўтказилди.

Қорақалпоғистонда 424 маҳаллада 21803 уй-жойни таъмирлаш учун 343,9 миллион сўм ажратилмоқда. Шундан 21094 та уй-жойнинг том қисмини таъмирлаш ҳамда 709 та яшаш учун яроқсиз ва авария ҳолатига келиб қолган уй-жойларни янгидан қуриш ишлари белгиланган. Шунча инсоннинг оғири енгил бўлиб, муаммосига ечим топилмоқда.

Стратегияда оғир ижтимоий аҳволга тушиб қолган хотин-қизларни қайта касбга тайёрлаш харажатларини давлат томонидан қоплаб бериш тартибини жорий этиш белгиланмоқда. Содда қилиб айтганда, бу тоифадаги хотин-қизларнинг бугунги замон учун зарур ва бозор иқтисодиёти шароитида талаб юқори бўлган касбларни ўрганишлари учун харажатларни давлат ўз зиммасига оляпти. Чунки, янги ташкил этилаётган ишлаб чиқариш корхоналари, заводлар, фабрикалар уларда мавжуд бўлган техника ва технологияларда ишлаш учун касб ва малака кўникмаларини ҳам янгилаш талаб этилади.

Бу эзгу ишнинг ўзидан из қолдирадиган яна бир ижобий жиҳати бор. Демокриманки, бугун давлатимиз ҳомийлигида аёлларга ўргатилаётган янги касблар нафақат уларнинг ўзига, балки улар орқали сингилларига, қизларига ўтиб такомиллашиб, ривожланиб боради ва оилаларнинг даромад манбаига айланади.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, "Ўзбекистон-2030" стратегиясида белгиланган ҳар бир йўналиш, ҳар бир вазифа оилаларнинг тинчлиги, осойишталиги ва фаровонлиги учун хизмат қилади.

МУСТАҲКАМ МАРКАЗИЙ ОСИЁ



МАРКАЗИЙ ОСИЁ ДАВЛАТЛАРИ РАҲБАРЛАРИНИНГ БЕШИНЧИ МАСЛАҲАТ УЧРАШУВИ 14-15 СЕНТЯБРЬ КУНЛАРИ ТОЖИКИСТОННИНГ ДУШАНБЕ ШАҲРИДА БЎЛИБ ЎТДИ.

УНДА МАРКАЗИЙ ОСИЁНИНГ ДАВЛАТ РАҲБРАРИДАН ТАШҚАРИ ФАҲРИЙ МЕҲМОН СИФАТИДА ОЗАРБАЙЖОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИЛҲОМ АЛИЕВ ҲАМДА БМТ БОШ КОТИБИНИНГ МАХСУС ВАКИЛИ – МАРКАЗИЙ ОСИЁ УЧУН ПРЕВЕНТИВ ДИПЛОМАТИЯ БЎЙИЧА МИНТАҚАВИЙ МАРКАЗ РАҲБАРИ КАҲА ИМНАДЗЕЛАР ҚАТНАШДИ.

КУН ТАРТИБИГА МУВОФИҚ, МИНТАҚАДАГИ ҲАМКОРЛИКНИ ЯНАДА КЕНГАЙТИРИШ, ЖУМЛАДАН, СИЁСИЙ МУЛОҚОТНИ РИВОЖЛАНТИРИШ, САВДО, ИНВЕСТИЦИЯЛАР, ТРАНСПОРТ, ЭНЕРГЕТИКА, ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ВА ЭКОЛОГИЯ СОҲАЛАРИДА ҚЎШМА ДАСТУР ВА ЛОЙИҲАЛАРНИ ИЛГАРИ СУРИШ, МАДАНИЙ-ГУМАНИТАР АЛМАШИНУВНИ ФАОЛЛАШТИРИШ, ХАВФСИЗЛИК СОҲАСИДАГИ ЗАМОНАВИЙ ТАҲДИД ВА ХАТАРЛАРГА ҚАРШИ ЧОРА КЎРИШ МАСАЛАЛАРИ МУҲОКАМА ҚИЛИНДИ.

ЎЗБЕКИСТОН ЕТАКЧИСИ ЎЗ НУТҚИДА МИНТАҚА МАМЛАКАТЛАРИ ЎРТАСИДА ИШОНЧ, ЯХШИ ҚЎШНИЧИЛИК ВА ШЕРИКЛИК МУНОСАБАТЛАРИНИ МУСТАҲКАМЛАШ БОРАСИДАГИ УМУМИЙ САЎЙ-ҲАРАКАТЛАРНИ ЮКСАК БАҲОЛАДИ.

ДАВЛАТИМИЗ РАҲБАРИ БИР ҚАТОР СОҲАЛАРНИ РИВОЖЛАНТИРИШГА ДОИР ҚАТОР ТАКЛИФ ВА ТАШАББУСЛАРНИ ИЛГАРИ СУРДИ.

САВДО-ИҚТИСОДИЙ ҲАМКОРЛИК БЎЙИЧА

- эркин савдо зоналарини тезроқ шакллантириш;
- барқарор савдо-логистика занжирларини шакллантириш;
- чегара олди ҳудудларида савдо ва кооперация марказларини очиш ва кенгайтириш;
- ўзаро савдо бўйича қонунчиликни уйғунлаштириш;
- божхона маъмурчилиги, санитар ва фитосанитар назорат, товарларнинг қаердан олиб келинаётганлигини сертификатлаш бўйича ягона электрон платформалар яратиш;
- минтақавий электрон савдо майдонини ишга туширишни кўзда тутадиган комплекс минтақавий дастурни қабул қилиш;
- ташқи савдо фаолияти бўйича масъул бўлган вазирларнинг доимий учрашувини ўтказиш механизминини ишга тушириш.

ТРАНСПОРТ СОҲАСИДАГИ ЎЗАРО БОҒЛИҚЛИК БЎЙИЧА

- тармоқ вазирлари учрашувлари доирасида Марказий Осийда Транспорт ва транзит ҳақидаги битимни ишлаб чиқиш;
- бизнес учун қулай бўлган оралиқ тарифларни қўллаган ҳолда, Хитой, Жанубий Осий ва Яқин Шарқ ҳамда Европа Иттифоқи мамлакатлари бозорларига чиқиш учун самарали транспорт коридорларини ривожлантириш бўйича аниқ механизмларни шакллантириш;
- транспорт хизматлари бозорини либераллаштириш ва руҳсат этишга доир тартиб-таомилларни оптималлаштириш чора-тадбирлари дастурини тайёрлаш;
- халқаро ташувларнинг интеграциялашган рақамли платформасини яратиш;
- фаолиятга озарбайжонлик шерикларни фаол жалб этиш.

ЭНЕРГЕТИК ХАВФСИЗЛИК БЎЙИЧА

- электр энергиясини етказиб бериш учун янги магистрал тармоқларини барпо этиш;
- энергия манбаларини диверсификация қилиш;
- муқобил энергетика соҳасига инвестиция ва технологияларни жалб этиш;
- “Яшил” водородни ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш.

ОЗИҚ-ОВҚАТ ХАВФСИЗЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ БЎЙИЧА

- саъй-ҳаракатларни бирлаштириш ва БМТнинг Озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги ташкилоти кўмагида минтақавий Шериклик дастурини тайёрлаш.

ИҚЛИМ ЎЗГАРИШИГА МОСЛАШИШ БЎЙИЧА

- минтақаниннг иқлимга оид ягона кун тартибини шакллантириш ва биргаликда таъсирчан чора-тадбирларни қабул қилиш учун экология вазирлари даражасида “Иқлим бўйича Марказий Осий мулоқоти” кўп томонлама платформасини таъсис этиш.

ХАВФСИЗЛИК БЎЙИЧА

- чегараларни ҳимоя қилиш ва мустаҳкамлаш бўйича Давлатлараро дастурни

ишлаб чиқишга киришиш;

- хавфсизликка нисбатан анъанавий ва янги хавф-хатарларга қарши курашиш борасидаги сценарийларни амалда қўллаш бўйича қўшма ҳарбий-ўқув машқларини давом эттириш;

- фавқулодда вазиятлар юзасидан прогностлар қилиш, уларнинг олдини олиш, барвақт оғохлантириш ва уларга биргаликда қарши туриш борасида минтақавий тизимни шакллантириш.

АФҒОНИСТОН БЎЙИЧА

- Афғонистоннинг бугунги ҳокимияти билан доимий ва очиқ мулоқот қилиш, улар билан чегаралар хавфсизлиги, сувдан фойдаланиш ва савдо-сотиқни ривожлантириш масалалари бўйича мулоқот олиб бориш;
- Афғонистон ҳокимияти билан ҳамкорликни ўзаро келишилган ҳолда олиб бориш учун Марказий Осий давлатларининг Афғонистон бўйича махсус вакиллари даражасида мулоқот гуруҳини ташкил этиш каби бир қатор долзарб таклифларни илгари сурди.

Сўзининг якунида Президентимиз Маслаҳат учрашувлари ишлари бўйича Миллий мувофиқлаштирувчилар кенгашини таъсис этиш таклифини қўллаб-қувватлади ҳамда Марказий Осий давлатлари иқтисодий кенгашини ташкил этишни таклиф қилди.

Ўзбекистон раҳбари учрашув натижалари мамлакатларимиз ўртасида дўстлик, яхши қўшнчилик ва стратегик шерикликни янада мустаҳкамлашга, кенг миқёсдаги минтақавий ҳамкорликни ривожлантиришга хизмат қилишига ишонч билдирди.

Маслаҳат учрашуви якунида бир қатор ҳужжатлар қабул қилинди:

Марказий Осий давлатлари раҳбарларининг бешинчи Маслаҳат учрашуви якунлари бўйича қўшма баёнот;

Қозоғистон Республикаси, Қирғиз Республикаси, Тожикистон Республикаси, Туркменистон ва Ўзбекистон Республикаси ўртасида ёшларга оид сиёсатнинг умумий йўналишлари тўғрисида битим;

Марказий Осийда ер усти транспортининг ўзаро боғлиқлигини мустаҳкамлаш тўғрисида битим;

Марказий Осий давлатлари раҳбарларининг Маслаҳат учрашувлари ишлари бўйича Миллий мувофиқлаштирувчилар кенгаши тўғрисида низом;

2022-2025 йилларда Марказий Осийда савдо-иқтисод ва фаровонликни қўллаб-қувватлаш учун “Йўл харитаси”.

МАРКАЗИЙ ОСИЁДА СУВ МАСАЛАСИ

Душанбеда ташкил этилган яна бир муҳим тадбир Оролни қутқариш халқаро жамғармасининг йиғилиши бўлди. Мазкур жамғарма ташкил этилганига 30 йил тўлиши муносабати билан бу йиғилишни юбилей ҳам дейиш мумкин. Пандемия сабабли жамғарманиннг учрашувлари юзма-юз ўтказилмай қолган эди.

Йиғилишда сўзга чиққан Ўзбекистон Республикаси Президенти минтақадаги сув билан боғлиқ вазиятни яхшилаш ва тартибга солиш бўйича бир қатор таклифларни билдирди.

» **Марказий Осий минтақасидаги вазият ҳам, муносабатлар ҳам бир маромга, яъни, ўз ўзанига тушаётгани, бунда Марказий Осий давлат раҳбарларининг Маслаҳат учрашувлари асосий драйвер вазифасини бажараётганлиги ва бу ташаббуснинг айнан Ўзбекистон Президенти томонидан илгари сурилгани сиёсий таҳлилчилар томонидан таъкидланмоқда.**

БИРИНЧИ ТАКЛИФ

Ўзбекистон Оролни қутқариш халқаро жамғармасининг ҳуқуқий асосларини янада такомиллаштириш ва институционал механизмларини модернизация қилиш.

Бунда асосий ҳужжатлар ва битимларни хатловдан ўтказиш, жумладан, 1990 йилларда қабул қилинган Жамғарма низомини қайта кўриб чиқиш, амалдаги тузилма фаолиятини биргаликда таҳлил қилиш ва Жамғарма таркибидаги ташкилотлар ишини мувофиқлаштириш ва самарасини ошириш борасида таклифлар тайёрлаш, унинг фаолияти ва ҳамкорлик масалаларини аниқ тартибга солувчи “Қоида ва тартиб-таомиллар”ни ишлаб чиқиш таклиф этилди.

Жамғармани ривожлантириш ва ислоҳ этиш жараёнларини тармоқлараро тамойил асосида, яъни замонавий экологик таҳдидларни ҳисобга олган ҳолда, “сув – энергетика – озиқ-овқат” тартибдаги комплекс ёндашувлар негизида амалга ошириш муҳимдир.

Бундан ташқари, Тузилманиннг асосий ҳужжатларида трансчегаравий дарёлар сув ресурсларини бошқариш ва фойдаланиш соҳасида умумэтироф этилган меъёрлар, принципалар ва ўзаро мажбуриятлар ўз ифодасини топиши лозим.

ИККИНЧИ ТАКЛИФ

Жамғарма бошқарувига амалдаги Дастурни танқидий қайта кўриб чиқиш топшириғини бериш таклиф этилди.

Бунда ҳар бир минтақавий лойиҳаниннг ҳажмининг ва молиялаштириш манбаларини белгиланган ҳолда, “йўл хариталари”ни, шунингдек, уларнинг ижроси бўйича келишил-

ган жадвални тайёрлашни назарда тутиш лозим.

УЧИНЧИ ТАКЛИФ

Устувор минтақавий лойиҳаларни илгари суриш учун инвестиция, технология ва техник кўмакни жалб этиш масалалари бўйича тизимли ҳамкорликни кучайтириш.

ТЎРТИНЧИ ТАКЛИФ

Жамғарманиннг ишчи органлари халқаро консультантлар иштирокида Амударё ва Сирдарё ҳавзаларини ривожлантириш бўйича узоқ муддатга мўлжалланган режалар ишлаб чиқиш.

БЕШИНЧИ ТАКЛИФ

Сув ва бошқа табиий ресурслардан тежаб-тергаб фойдаланиш маданиятини шакллантириш, махсус дастурни қабул қилган ҳолда, ёшлар ташаббуслари ва стартапларини қўллаб-қувватлаш масалаларида ёшлар билан ишлашни минтақавий даражада ташкил этишга алоҳида эътибор қаратиш.

Шунингдек, давлатимиз раҳбари Афғонистонда қурилаётган “Қўштепа” канали бўйича ҳам ўз фикрлари билан ўртоқлашди.

Жумладан, каналнинг ишга туширилиши Марказий Осийдаги сувдан фойдаланиш тартиби ва мувозанатини тубдан ўзгартириб юбориши мумкинлигини таъкидлаб, “Қўштепа” каналининг қурилиши ва унинг Амударё сувидан фойдаланиш тартибига таъсири билан боғлиқ барча жиҳатларни мамлакатларимиздаги тадқиқот институтларини жалб этган ҳолда ўрганиш бўйича Қўшма ишчи гуруҳини шакллантириш таклифини билдирди.

Қолаверса, Президентимиз Афғонистон вакиллариин сув ресурсларидан биргаликда фойдаланиш бўйича минтақавий мулоқотга жалб этиш масаласини кўриб чиқишни таклиф этди.

Марказий Осий минтақасидаги вазият ҳам, муносабатлар ҳам бир маромга, яъни, ўз ўзанига тушаётгани, бунда Марказий Осий давлат раҳбарларининг Маслаҳат учрашувлари асосий драйвер вазифасини бажараётганлиги ва бу ташаббуснинг айнан Ўзбекистон Президенти томонидан илгари сурилгани сиёсий таҳлилчилар томонидан таъкидланмоқда.

Экспертлар давлатимиз раҳбарининг “Қўштепа” канали ва Афғонистон томони ҳақидаги фикр ва таклифларини реалликни ҳисобга олиш, минтақани жипслаштириш сари ташланган яна бир қадам, дея баҳоламоқда.

Дарҳақиқат, Ўзбекистон минтақадаги сув билан боғлиқ мавжуд вазиятни чуқур англаган ҳолда, сувдан фойдаланиш самарадорлигини ошириш бўйича катта миқёсдаги чора-тадбирларни амалга оширмоқда.

Охириги 7 йил мобайнида мамлакатимизда суғориладиган ерларнинг тўртдан бир қисмини ташкил этадиган 1 миллион гектардан ортиқ майдонда сувни тежайдиган технологиялар жорий этилгани ҳам бунинг аққол исботи дейиш мумкин.

Ўзбекистон томони минтақадаги дўстлик, ҳамкорлик муҳитини қўллаб-қувватлаш ва бу йўлда асосий жарчи эканлигини бутун дунё эътироф этмоқда.

Аҳмад ҚУРБОНОВ
тайёрлади.

IZOH

МАҚСАД – ЧЕКЛАШ ЭМАС, ЧЕКЛОВЛАРНИНГ ОЛДИНИ ОЛИШ ЭДИ

– МАРКАЗИЙ БАНК РАИСИ



ГАП НИМА ҲАҚДА?

2023 йил 15 сентябрь куни Банк назорати қўмитаси томонидан Марказий банкнинг назоратга доир вазифалари ижросини таъминлаш мақсадида валюта амалиётларни ўтказишда шаффофликни таъминлаш ҳамда қонунчилик талабларидан келиб чиққан ҳолда валюта операциялари устидан мониторингни такомиллаштириш борасидаги қарори қабул қилинган эди.

Ушбу қарор асосида банклар ва бизнесга валюта операциялари бўйича чеклов киритилгани жамоатчилик танқидларига сабаб бўлгач, Марказий банк раиси журналистлар билан учрашди ва бизнес вакиллари билан валюта операцияларини чеклаш бўйича қарор бекор қилинганини билдирди. Унинг таъкидлашича, бу қарор жамоатчилик орасида кескин эътирозларга сабаб бўлгани учун тезда бекор қилинган.

– Қарорнинг мазмуни билан қисқача таништироқчи эдим, – дейди Мамаризо Нурмуратов. – Ушбу қарорга кўра, Марказий банкнинг талаби билан хўжалик юритувчи субъектлар валюта операцияларини фақат асосий ҳисобварағи очилган банкда амалга ошира олиши белгиланган. Тадбиркорлар хорижий валютани сотиб олиш учун банкнинг тегишли тузилмасидан ижобий ҳулоса олиши керак эди. Банклар янги талабларни бажармаган тақдирда валюта биржасидаги иштироки чеклаб қўйилиши ҳақида огоҳлантирилган.

Нима бўлганда ҳам бу қарор бўйича маълум бир ижобий фикрларни кўрмадик. Фалсафада шундай тушунча бор, жамият қабул қилмаган қарор, бу – нотўғри қарор ҳисобланади. У қайси мақсадга йўналтирилган бўлишидан қатъи назар. Бугун эрталаб банк қўмитамиз мазкур қарорни бекор қилди. Бизнинг энг катта камчилигимиз – коммуниқацияни тўғри ташкил қила олмаганимиз бўлди. Қарорда тижорат банкларига тегишли масалалар бўйича чоралар кўрилсин, деб ёзилган. Иккинчи томондан, бу норматив ҳужжат эмас, чунки бизнинг банк қўмитамиз ҳар ҳафта пайшанба ёки жума кунни тўғри, банклардаги жорий муаммоларни, бизни ташвишга солаётган, ўйлантираётган масалаларни ўша банклар иштирокида муҳокама қилиб, бошқа банкларга ҳам маълумот етказишди. Бу доимий бўладиган жараён.

... Бунинг банк миқдорида дахлдор жойи йўқ. Банк назоратни кучли қила олмагани учун хавф келяпти, шунинг олдини олинг, деган маънода банкларга берилган кўрсатма эди.

Асосий мақсадимиз нима эди? Бугунги кунда ташқи иқтисодий алоқалар, банкларнинг валюта операцияларига бўлган талаб, нафақат бизда, балки бутун дунёда кучайди. Комплаенс-назорат тизими ҳозир ҳамма жойда талаб қилиняпти. Биз ҳам ўзимизнинг тижорат банкларимиздан буни сўраямиз.

Ҳар бир валюта операцияси, у миллий валюта бўладими, биржадан сотиб олинган валюта бўладими, албатта, эксперт гуруҳидан кўриқдан ўтиши керак. Бўлаётган валюта операциясининг қайси мақсадга мўлжаллангани ўрганилиши керак. Бу тўхтатиб қўйишни назарда тутмайди, гуруҳ ўзининг фикрини айтади. Ҳозирги кунда тижорат банкларидан валюта операциялари билан боғлиқ тўловларни амалга оширишда мижозларни лозим даражада текшириш – КУС (ўз мижозингизни билинг) тизими бутун дунёда бор. Шу нуқтаи назардан экспертлар гуруҳидан ўтказилади. Бизнинг ҳам валюта амалиётларини

» Ҳар бир валюта операцияси, у миллий валюта бўладими, биржадан сотиб олинган валюта бўладими, албатта, эксперт гуруҳидан кўриқдан ўтиши керак. Бўлаётган валюта операциясининг қайси мақсадга мўлжаллангани ўрганилиши керак. Бу тўхтатиб қўйишни назарда тутмайди, гуруҳ ўзининг фикрини айтади.

амалга ошириш регламентларимизда бу нарса белгиланган.

Қайд этиш жоиз, сўнгги кунларда хорижий ҳамкор банклардан Ўзбекистондаги тижорат банкларига валюта операциялари билан боғлиқ тўловларни амалга оширишда мижозларни лозим даражада текшириш (КУС) талабларини қучайтириш ҳамда бошқа банкларнинг пул ўтказмаларини амалга оширишни тўхтатиш юзасидан мурожаатлар келиб тушмоқда. Шу муносабат билан ҳамда валюта операциялари ҳисобини тўғри юритиш ва улар устидан зарур мониторинг тадбирларини амалга ошириш мақсадида хўжалик юритувчи субъектларнинг чет эл валютасини сотиб олиш операциялари билан боғлиқ валюта амалиётларини асосий ҳисобварақ очилган банклар орқали ўтказишлари лозимлиги белгиланган эди. Бундай амалиёт ҳозирда мавжуд бўлиб, капитал ҳаракати билан боғлиқ валюта операциялари мижозларнинг асосий ҳисобварақлари орқали амалга оширилиши белгиланган.

Шу билан бирга, Ўзбекистон Республикасида валюта операцияларини амалга ошириш қоидаларида белгиланган талабларга кўра, хўжалик юритувчи субъектларга хорижий валютани сотиш операциялари банкларда ташкил этилган таркибий бўлинмалар (экспертлик гуруҳлари) ҳулосалари асосида амалга оширилади. Банк назорати қўмитасининг мазкур қарорида хўжалик юритувчи субъектларнинг чет эл валютасини сотиб олиш ва бошқа валюта операциялари чекланиши назарда тутилмаган. Бундан ташқари, иккиламчи ҳисобварақларга хизмат кўрсатувчи банкларда санкциялар ва комплаенс назорат қоидаларига амал қилинишини лозим даражада текшириш имконияти чегараланганлиги сабабли ушбу қарорга келинган эди.

Янада очикроқ айтганда, Марказий банк томонидан кўрилаётган комплаенс-назорат (Санкциялар бўйича комплаенс – компания ёки банкнинг санкция чекловларини бузиш хавфини камайтириш учун зарур бўлган ички меъёр ва қоидалар тизими) чора-тадбирларининг асосий мақсади Ўзбекистондаги банклар ва тадбиркорлик субъектлари санкциялар бўйича чекловларга учрашининг олдини олиш ҳисобланади.

Ҳозирда бутун дунё бўйлаб геосийосий инқироз шароитида банкларнинг валюта операцияларига бўлган талаби ошди, шу сабабли ҳамма жойда комплаенс-назоратни жорий этиш талаб этилмоқда. Ҳулосалари асосида мижозларга валюта сотиш маъқулланганда эксперт гуруҳлари Ўзбекистонда анчадан бери бор. Улар тўловлар комплаенсга тўғри келишини текширади, бундай гуруҳлар дунёнинг барча жойида бор.

Бугунги кунда республикаимиздаги 7 та банкда, шу жумладан, 5 та давлат банкида валютани иккиламчи ҳисобварақлар орқали конвертация қилиш операциялари 8,9-9 фоиздан 24 фоизгача ошган. Хавотирли жиҳати, чет эл валютаси импорт қилинадиган товарлар доирасида иккиламчи ҳисобварақлар орқали ноқонуний равишда олиб чиқиш кетилиши мумкинлигидадир. Банк назорати қўмитасининг йиғилишида валюта операциялари бўйича қарори ана шу муаммони инобатга олган ҳолда, қабул қилинган. Маълумот учун айтиш мумкин, Ўзбекистон Россияга қарши санкция режими бузиши мумкин бўлган 14 давлат рўйхатида киритилгани, шу сабабли чоралар, яъни комплаенс-назорати кучайтирилган.

Асосий мақсадимиз – эртага бизнес субъектлари валюта операциялари ва ўтказмалари юзасидан санкциялар бўйича комплаенс чекловларга учраб қолмасин. Яъни, валюта ўтказмаларидаги чекловларнинг олдини олиш эди. Чунки шундай ҳолатлар содир бўляптики, субъект пул ўтказишди, лекин банк чет эллик ҳамкорга тўловни икки ёки уч ой давомида тушириб бермайди. Биз ўрганган вақтимизда эса маҳаллий банк тўловни амалга оширган, аммо хорижий банкда шубҳалар уйғонгани маълум бўлмоқда.

Бундан ташқари, Арманистон, Грузия ва Қозғистонга нисбатан Ўзбекистонда бундай ҳолатлар камроқ учрамоқда. Мақсадимиз бундай муаммолар юзга келишининг олдини олишдир. Буни ўз ўзини мақташ деб қабул қилманг, лекин пандемия даврида, кейин эса глобал инқироз даврида кўплаб мамлакатлар, шу жумладан, қўшнилариимизда ҳам нақд пул танқислиги кузатилди. Баъзиларида ҳали ҳам бор. Бизда эса шарт-шароит мавжуд...

Бу Марказий банкни мақташ эмас, комплаенс-назоратни яхшилашимиз Федерал резерв банкнинг ҳам (Нью-Йоркники, Ўзбекистонни нақд доллар билан таъминлайди), бошқаларнинг ҳам бизга бўлган ишончини оширади. Шу орқали банкларимиз доимо нақд валюта захирасига эга бўлиб туради.

Яна бир нарсани эсдан чиқармаслик лозим. Банклар тизимида либераллаштиришдан ортага қайтиш ҳақида гап бўлиши мумкин эмас. Мақсад комплаенсни кучайтириш эди, конвертацияни чеклаш эмас, дея изоҳ берди Марказий банк раиси.

Тоштемир Худойқулов,
“Ўзбекистон овози” мухбири.

БИЛАСИЗМИ?



Қандай ҳолатлар муаллифлик ва турдош ҳуқуқлар бузилишига олиб келади?

Қонунчиликка кўра, муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқларни бузилишга қуйидагилар қиради:

- муаллифларнинг шахсий номулкий ҳуқуқларини бузиш;
- ижрочининг исми-шарифга бўлган ва ижронинг ҳар қандай тарзда бузиб кўрсатилишидан ёки ҳар қандай бошқача тарзда тажовуз қилинишидан ҳимоя қилиш ҳуқуқларини бузиш;
- ҳуқуқ эгаси ёки мулкый ҳуқуқларни жамоавий асосда бошқарувчи ташкилот билан шартнома тузмасдан асарлар ёки турдош ҳуқуқлар объектини такрорлаш, тарқатиш ёки ундан бошқача тарзда фойдаланиш;
- ҳақ тўлаш тўғрисидаги талабларни бузиш;
- асарлардан ёки турдош ҳуқуқлар объектларидан ҳуқуқ эгаси ёки мулкый ҳуқуқларни жамоавий асосда бошқарувчи ташкилот билан тузилган шартнома бўйича олинган ҳуқуқларни ошириб юборган ҳолда фойдаланиш;
- ҳуқуқ эгаларининг мулкый ҳуқуқларини бошқача тарзда бузиш.

Асарларнинг ва турдош ҳуқуқлар объектларининг такрорлини ёки тарқатилиши муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқларни бузган ҳолда амалга оширилаётган нусхалари контрафакт нусхалар ҳисобланади.



Турар жойни ижарага олган айрим ҳарбийларга компенсация оширилган ҳолда тўланади

Турар жойни ижарага олганлик (ижарада турганлик) учун пул компенсацияси контракт бўйича хизмат қилаётган, турар жой билан таъминланмаган оддий аскар, сержант ва офицерлар таркибига кирувчи шахсларга амалдаги сарф-харажатлар доирасида (коммунал хизматлар ҳақи бундан мустасно) қуйидаги миқдорда тўланиши белгиланган:

- Тошкент шаҳрида — БҲМнинг 4 бараваригача;
- Нукус шаҳрида ва вилоятлар марказларида — БҲМнинг 3 бараваригача;
- бошқа шаҳарлар, туманлар марказлари ва аҳоли пунктларида — БҲМнинг 2 бараваригача.

Оила аъзолари 3 киши ва ундан ортиқ бўлган тақдирда (ҳарбий хизматчининг ўзини ҳисобламаган ҳолда) ушбу пул компенсацияси миқдорлари 50 фоизга оширилади.

Бунда ҳарбий хизматчининг ҳарбий хизматни ўташ жойига келган оила аъзолари: хотини (эри), уларнинг болалари ва ота-оналари, шунингдек, қонунчиликка мувофиқ ижарага олувчининг оила аъзолари деб эътироф этилган бошқа шахслар ҳисобга олинади.



Айрим фуқароларга кредитлар бўйича кафиллик берилади

Қонунчиликка кўра, Тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш давлат жамғармаси томонидан “Ижтимоий ҳимоя ягона реестри” ахборот тизимида рўйхатга олинган фуқароларга тадбиркорлик ташаббусларини амалга ошириш учун кредит миқдорининг 75 фоизгача, бироқ БҲМнинг 150 бараваридан ортиқ бўлмаган тижорат банклари кредитлари бўйича кафиллик берилиши белгиланган.



Одамларнинг оммавий заҳарланишига олиб келадиган даражада санитария қоидаларини бузиш жиноий жавобгарликка сабаб бўлади

Санитарияга оид қонунчиликни бузиш, одамларнинг оммавий касалланиши ёки заҳарланиши реал хавфини келтириб чиқарса ёхуд одамларнинг оммавий касалланишига ёки заҳарланишига олиб келса, қуйидаги жазо чораларидан бири қўлланилиши мумкин:

- БҲМнинг 50 бараваридан 100 бараваригача миқдорда жарима солиш;
- 5 йилгача муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш;
- 2 йилгача ахлоқ тузатиш ишлари;
- 1 йилдан 3 йилгача озодликни чеклаш;
- 5 йилгача озодликдан маҳрум қилиш.

!!Қонунни билмаслик жавобгарликдан озод қилмайди...

t.me/huquqiyaxborot



“АСАКАБАНК” АЖ

ИШТИХОН ТУМАНИ ВА КАТТАҚЎРҒОН ШАҲРИ

аҳолисига молиявий кўмак кўлами кенгаймоқда

ХУДУДЛАРДАГИ ИШСИЗ АҲОЛИНИНГ БАНДЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ ОРҚАЛИ ДОИМИЙ ДАРОМАД МАНБАИГА ЭГА БЎЛИШИГА ЭРИШИШ, КАМБАҒАЛЛИКНИ ҚИСҚАРТИРИШ, МАҲАЛЛАЛАРДА ИЖТИМОЙ-ИҚТИСОДИЙ ФАОЛЛИКНИ ОШИРИШ ДОЛЗАРБ ВАЗИФА ҲИСОБЛАНАДИ. АЛБАТТА, БУ БОРАДА ТИЖОРАТ БАНКЛАРИНИНГ ХУДУДЛАРДАГИ САМАРАЛИ ФАОЛИЯТИ МУҲИМ АҲАМИЯТГА ЭГА.

“АСАКАБАНК” АЖ ХУДУДЛАРДА ҚИЗҒИН ИШ БОРАЁТГАНИ МАЪЛУМ ҚИЛИНМОҚДА. ХУСУСАН, ИҚТИСОДИЙ-ИЖТИМОЙ РИВОЖЛАНТИРИШ УЧУН ИШСИЗ АҲОЛИ БАНДЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ, ХОМ АШЁ ЗАХИРАЛАРИДАН ФОЙЛАНИБ, ТАЙЁР МАҲСУЛОТЛАР ИШЛАБ ЧИҚАРИШНИ ТАШКИЛ ЭТИШ, ИНВЕСТИЦИЯ ВА ЭКСПОРТ ҲАЖМИНИ ОШИРИШ, МУҚОБИЛ ЭНЕРГИЯ МАНБАЛАРИНИ ЙЎЛГА ҚЎЙИШ МАҚСАДИДА ИШТИХОН ТУМАНИ ВА КАТТАҚЎРҒОН ШАҲРИГА БИРИКТИРИЛГАН.



Банк томонидан Иштихон туманининг ижтимоий-иқтисодий кўрсаткичларини яхшилаш, камбағалликни қисқартириш бўйича амалга оширилган ишлар натижасида бугунги кунга келиб кичик саноат корхоналарининг сони 552 тага етган. Янги корхоналар ҳисобига 2114 та иш ўрни яратилган.

Жорий йилда қиймати 89,8 миллион долларга тенг 96 та лойиҳа (йирик, ўрта ва кичик лойиҳа) ишга туширилиши ва натижада 885 та иш ўрни яратилиши режалаштирилган. Мисол учун, “Jamshidjon Axmatov” МЧЖнинг “Умумий овқатлашни шохобчасини ташкил этиш” лойиҳаси ишга туширилиши ҳисобига қўшимча янги иш ўринлари яратилди. Шунингдек, “Farhod Dried Fruits” ОКнинг қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлашни ташкил этиш лойиҳаси ишга туширилиши ҳисобига янги иш ўринлари яратилди. “Мароканд сифат текстиль” МЧЖнинг толани қайта ишлаб, ип-калава ишлаб чиқаришни ташкил этиш лойиҳаси йил якунига қадар ишга туширилиши ва янги иш ўринлари очилиши режалаштирилган.

Туманга тўғридан-тўғри хорижий инвестиция жалб қилиш йил бошидан 6,5 миллион доллар бўлган, 4 та йирик корхона томонидан ишлаб чиқилаёт-

ган лойиҳаларда 100 миллион доллар тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар 2023-2024 йилларда киритилиши кўзда тутилган. Ушбу кўрсаткични 106,5 миллион долларга етказиш режалаштирилган.

Жорий йилда тумандаги экспортёрларни қўллаб-қувватлаш мақсадида 2 та корхонага 427 минг доллар экспорт олди кредит маблағлари ажратилган. 5 та корхонага эса халқаро стандартлаштириш ва сертификатлаштириш тизимини жорий қилиш учун 431 миллион сўм молиявий кўмак берилган. Умуман олганда, тумандаги жами 19 та экспортчи корхона томонидан бугун кунда 15,2 миллион долларлик экспорт амалга оширилган. Хусусан, майиз, мош, қорали, туршак етиштириш ҳамда ип-калава маҳсулотлари ишлаб чиқарилиши ҳисобига 2023 йилда 30 миллион доллар қийматда экспорт амалга ошириш режаси белгиланган бўлиб, бу ўтган йилга нисбатан 141,6 фоизга кўпдир.

Банк томонидан Иштихон туманида фаолият олиб бораётган юридик мижозларга ҳам ҳар томонлама кўмак бериб келинмоқда. Жумладан, “Асакабанк” АЖ Самарқанд филиали мижози бўлган “Davirov Shokirjon Uzumi” фермер хўжалигига 2021 йилда экспортни кенгайтириш мақ-

садида қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари сотиб олиш учун банк кредит маблағлари ажратиб берилган. Бугунги кунга тадбиркор қишлоқ хўжалик маҳсулотлари экспорти билан шуғулланиб келмоқда.

Эътиборли жиҳати, туманда ўзумчилик йўналишида фаолият юритаётган фермер хўжаликларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш мақсадида уларга фаолиятини кенгайтириш, моддий-техника базасини яхшилаш, айланма маблағларини тўлдириш учун тижорат кредитлари ажратиш орқали маҳсулот етиштириш ҳажми оширилишига, етиштирилган маҳсулотларни экспортга йўналтиришга эришиш режа қилинган.

КАТТАҚЎРҒОНДА НАТИЖАЛАР КАТТАМИ?

Каттақўрғон шаҳрининг иқтисодий-ижтимоий ривожланишига хизмат қиладиган лойиҳаларни қўллаб-қувватлаш, шу орқали аҳоли бандлигига кўмаклашишга ҳам “Асакабанк” АЖ алоҳида эътибор қаратмоқда. Мутасадди ташкилотлар билан биргаликда керакли чора-тадбирлар белгилаб олингани қайд этилади.

Жумладан, шаҳарда жорий йилда 7,1 миллион доллар тўғридан-тўғри хорижий инвестиция 4 та лойиҳа ҳисобидан ўзлаштирилишига эришилган. Мисол учун, “Мароканд Транс” МЧЖ корхонаси томонидан жамоат транспорт хизматларини кўрсатиш лойиҳасини амалга ошириш учун хорижий кредитлар ажратилган. Натижада хизмат кўрсатиш ҳажмлари ортиб, бюджетга тушумлар кўпайиши қайд этилади.

Яна 6 та лойиҳа ҳисобига йил якунига қадар қўшимча 78,1 миллион доллар, жами 103 миллион доллар хорижий инвестициялар ўзлаштирилади. Умумий қиймати 448,5 миллион долларга тенг 49 та лойиҳа шакллантирилиб, улар ҳисобига 2023-2024 йилларда 622 та янги иш ўрни яратилиши режалаштирилган.

Каттақўрғон шаҳрида маҳсулотларни чет давлатларга экспорт қилиш борасида ҳам амалий натижаларга эришилмоқда. Жорий йилда 21,4 миллион долларлик, шундан 20,5 миллион долларлик саноат ва 0,9 миллион долларлик мева-сабзавот маҳсулотларини экспорт қилиш режалаштирилган. Ўрни келганда айтиш лозимки, олдинги йиллар давомида экспорт фаолияти билан шуғулланмаган 6 та корхона экспорт фаолиятига жалб қилиниши ортидан экспортёрлар сони 18 тага етказилган.

Корхоналарга фаолиятини кенгайтириш, айланма маблағларини тўлдириш мақсадида банк кредитлари ажратиш, ҳар томонлама кўмаклашиш орқали экспорт салоҳиятини ошириб, шаҳардаги экспортёр корхоналар сонини 23 тага етказиш, йил якуни билан экспорт ҳажминини 21,4 миллион, 2024 йилда 28 эса миллион долларга олиб чиқиш чоралари кўрилаётгани маълум қилинган.

Шаҳарда 2023-2024 йилларда ишга тушириладиган лойиҳалар ҳисобига йилга 1,0 триллион сўмлик (2023 йилнинг ўзида 140 миллиард сўм) 7 турдаги саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш қувватлари яратилди ҳамда 9 та саноат корхонаси экспортга жалб қилиниб, саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажминини 2024 йилда 680,0 миллиард сўмга етказиш режалаштирилган.

– Хурматли фуқаролар! Иштихон тумани ва Каттақўрғон шаҳрини иқтисодий ривожлантириш, аҳоли бандлигини таъминлаш, инвестиция ва экспорт салоҳиятини ошириш бўйича “Асакабанк” АЖ тумандаги сектор раҳбарлари билан биргаликда барча имкониятлардан тўлиқ фойдаланади, дейилади **“Асакабанк” акциядорлик жамияти мурожаатида.**



КЕЛГУСИ 7 ЙИЛДА...

Таълим ва тиббиёт муассасаларига транс-ёғ, туз ва шакар миқдори кўп бўлган маҳсулотларни олиб кириш, тайёрлаш ва уларни сотиш бутунлай чекланади.

Юртимизда келгуси 7 йил давомида ҳар йили 55 ва ундан катта ёшдаги аҳолини 100 фоиз тиббий профилактик кўрикдан ўтказиш ва соғломлаштиришга катта урғу берилади. Бу ҳақда “Ўзбекистон — 2030” стратегиясида қайд этилмоқда.

Шунингдек, 40 ва ундан юқори ёшдаги аҳоли орасида жисмоний фаол аҳоли улушини 2 баробар ошириш белгиланган.

Фуқаролар ўртасида тўғри овқатланиш ва соғлом турмуш тарзини шакллантириш борасида қуйидагилар кўзда тутилмоқда:

5 ёшгача бўлган болалар орасида бўй ўсишининг кечикиши мавжуд бўлганлар, вазн етишмаслиги ва ортиқча вазнга эга бўлганлар улушини 2 баробарга камайтириш.

Таълим ва тиббиёт муассасаларига таркибда трансёғ, туз ва шакар миқдори кўп бўлган маҳсулотларни олиб кириш, тайёрлаш ва уларни сотишни бутунлай чеклаш.

Шунингдек:

- меъёридан ортиқ туз истеъмол қиладиган аҳоли улушини 32 фоизга;
- етарлича жисмоний фаолликка эга бўлмаган аҳолини 22 фоизга;
- ортиқча вазнга ва семизликка эга катта ёшдаги аҳолини тегишлича 32 фоиз ва 23 фоизга камайтириш мўлжалланган.

Соғлиқни сақлаш вазирлиги
Матбуот хизмати.

АҲОЛИНИ РЎЙХАТГА ОЛИШ: ТАРИХ ВА БУГУН

Тарихий манбалардан маълумки, аҳолини илк рўйхатга олиш қадимги Греция, Вавилон, Месопотамия, Рим, Хитой, Япония ва Мисрда ўтказилган. Бундан асосий мақсад одамлардан солиқ йиғиш, бож олиш ҳамда ҳарбий сафарбарлик учун уларнинг сонини аниқлаш бўлган. Шу боисдан, рўйхатга олишда асосан эркакларга эътибор қаратилган.

Аҳолини энг биринчи расмий рўйхатга олиш 1790 йилда АҚШда, кейинчалик 1800 йилда Швеция ва Финляндияда, 1801 йилда Англия, Дания, Норвегия ва Францияда ўтказилган. Аммо бу аҳоли рўйхатлари жуда оддий шаклда ҳамда ўзоқ муддатга чўзилган. Масалан, АҚШда илк аҳолини рўйхатга олиш ишлари 18 ой давомида олиб борилган.

Манбаларда келтирилишича, Ўзбекистон ҳудудида дастлабки аҳоли рўйхати 1897 йилда Туркистон генерал-губернаторлиги томонидан ўтказилган. Бу борадаги маълумотлар XIX аср охирида Ўзбекистонда мавжуд оилалар (ва аҳоли) сони, ёши ва жинси, этник таркиби, туғилиш, ўлим каби демографик жараёнлар ҳақида тасаввур ҳосил қилишга ёрдам берган. Ўзбекистон ҳудудида кейинчалик 1926, 1939, 1959, 1970, 1979 ва 1989 йилларда аҳолини рўйхатга олиш ишлари ташкил этилган.

Кўпгина мамлакатларда аҳолини рўйхатга олиш қонун билан тартибга солинган. Масалан, Буюк Британияда 1920 йилда “Қўшма қироликда аҳолини рўйхатга олиш тўғрисида”ги қонуни қабул қилинган.

Ўзбекистон Республикасида ҳам 2020 йил 16 март куни “Аҳолини рўйхатга олиш тўғрисида”ги Қонун қабул қилинди.

Эндиликда Ўзбекистонда ҳам 10 йилда камида бир марта аҳолини қонунда, шунингдек, аҳолини рўйхатга олиш соҳасида давлат органлари ваколатлари, респондент ва рўйхатга олувчи ходимларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари ҳам тартибга солинган. Аҳолини рўйхатга олиш дастури ёши, миллати, тилларни билиши, маълумоти, яшаш шароитлари, яшаш учун маблағлар манбалари ва бошқа масалаларни ўз ичига олади. Сўров давлат тилида олиб борилади.

О.БОЙҚОБИЛОВ,
Тошкент шаҳар статистика бошқармаси
Рўйхатга олиш жараёнларини
ташкил этиш ва ўтказиш бўлими бош
мутахассиси.

ЭЪЛОН

«BANYAN» МЧЖ бошланғич нархи босқичма - босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очик аукцион савдоларига таклиф этади!

2023 йил 23 октябрь куни соат 11.00.да бўлиб ўтадиган аукцион савдосига Ўзбекистон Халқ демократик партияси Тошкент шаҳар Кенгашининг 05.09.2023 йилдаги №74-сонли бюртманомасига асосан кенгаш тасарруфидagi Тошкент шаҳар, Сергели тумани, Оби-ҳаёт (Массон) кўчаси 3-уй манзилида жойлашган 3-қаватли бинонинг 3-қаватидаги умумий майдони 424 кв.м.дан иборат бўлган бир қисми кўйилмоқда. Бошланғич нархи – 2 399 997 618 сўм.

Юқоридаги кўчмас мулк 2023 йил 23 октябрь куни соат 11:00. да сотилмаган тақдирда, такрорий савдолар 2023 йил 7,22 ноябрь, 7,22 декабрь 2024 йил 8,23 январь, 7,22 февраль, 11,26 март ҳамда 10,25 апрель кунлари соат 11.00 да бўлиб ўтади.

Юқоридаги кўчмас мулклар билан бюртманчи ташкилот вакиллари иштирокида бевосита манзилга чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдоларида қатнашиш истагини билдирган талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закатал келишувига асосан кўчмас мулк бошланғич нархининг 15 % дан кам бўлмаган миқдорда закатал пулини тўланганлигини тасдиқловчи ҳужжат билан бирга қуйидаги ҳужжатларни тақдим қилишлари шарт:

- юридик шахслар - давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисида гувоҳнома нусхаси, ваколатли вакил учун қонун ҳужжатларида

белгиланган тартибда расмийлаштирилган ишончнома, унинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжат нусхаси илова қилинган ҳолда;

- жисмоний шахслар - паспорт нусхаси, ваколатли вакил қатнашган тақдирда, ваколатли вакил учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган ишончнома, унинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжат нусхаси илова қилинган ҳолда.

Аукцион савдосида иштирок этувчи талабгорлардан бюртманомаларни қабул қилиш расмий иш кунларида (шанба, якшанба ва байрам кунларидан ташқари) соат 10:00.дан 16:00.гача қабул қилинади.Талабгорлардан бюртманомаларни қабул қилиш савдо ўтказиладиган кундан бир иш куни олдин соат 16:00.да тўхтатилади. Савдо ғолибига аукцион савдоси натижалари бўйича ғолиблик баённомаси имзоланган санадан бошлаб 10 кун ичида сотувчи билан олди-сотди шартномаси имзолаш мажбурияти юклатилади.

Закатал пулини тўлаш учун реквизитлар «BANYAN» МЧЖ. АТ “Xalqbank” Тошкент шаҳар филиали амалиёт бўлими. х/р: 20208000300757166001. МФО 01125. СТИР 304 802 952.

Манзил: Тошкент шаҳар, Мирзо Улуғбек тумани, Паркент кўчаси 51-уй.

Телефон: +998-71-207-25-53.

Лицензия RR – 0298.



ЎЗБЕКИСТОН — АҚШ:

ИККИ ТОМОНЛАМА ВА КЎП ТОМОНЛАМА
МУЛОҚОТНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ҲАМДА
МУСТАҲКАМЛАШ ЙЎЛИДА

ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВ
БМТ БОШ АССАМБЛЕЯСИНИНГ ЯЛПИ МАЖЛИСИДА
ИШТИРОКИ ДОИРАСИДА НЬЮ-ЙОРК ШАҲРИДА БЎЛИБ
ЎТАДИГАН «C5+1» ФОРМАТИДАГИ БИРИНЧИ ОЛИЙ
ДАРАЖАДАГИ САММИТДА ҚАТНАШДИ, ДЕБ ХАБАР
БЕРМОҚДА "ДУНЁ" АА МУХБИРИ.

«C5+1» формати Марказий Осиё давлатлари ва АҚШ ўртасидаги кўп томонлама мулоқот ҳисобланади. Ушбу мулоқот 2015 йил ноябрь ойида Самарқанд шаҳрида минтақа давлатлари ва АҚШ ташкисиёсат идоралари раҳбарларининг биринчи учрашувида бошланган эди. Бундан кўзланган мақсад долзарб масалалар юзасидан доимий фикр алмашиш, шунингдек, минтақавий савдони яхшилаш, транспорт-энергетика алоқаларини мустаҳкамлаш, ишбилармонлик муҳитини ривожлантириш, экологик муаммоларга, экстремизмга қарши курашиш, гуманитар алоқаларни кенгайтириш билан изоҳланади.

«C5+1» мулоқоти вазирларининг биринчи учрашуви якунлари бўйича «Шериклик ва ҳамкорлик тўғрисида қўшма декларация» қабул қилинган бўлиб, унда АҚШнинг Марказий Осиё давлатларининг суверенитети, мустақиллиги ва ҳудудий яхлитлигини қўллаб-қувватлашга содиқлиги, шунингдек, иштирокчи давлатларнинг мунтазам алоқаларни давом эттиришга тайёрилиги қайд этилган.

Бугунги кунга қадар вазирларнинг 12 та учрашуви бўлиб ўтди. 2021 йил сентябрь ойида «C5+1» мамлакатлари вазирлари иқлим ва атроф-муҳит масалаларини муҳокама қилиш учун биринчи марта учрашдилар.

«C5+1» формати доирасида Марказий Осиёда хорижий жангариларга ва радикаллашув жараёнларига қарши курашиш, тadbirkorликни ривожлантириш, транспорт ва савдо йўлакларини такомиллаштириш, келажақ энергетика жабҳасини ривожлантириш ва иқлим ўзгаришига мослашиш бўйича миллий режаларни қўллаб-қувватлашга қаратилган лойиҳалар амалга оширилмоқда.

Ушбу лойиҳалар семинарлар, конференциялар ва тренинглар шаклида ҳаётга татбиқ этилмоқда. 2022 йил апрель ойида «C5+1» форматидаги ўзаро ҳамкорликни институционаллаштириш мақсадида ушбу платформа Котибияти ўз ишини бошлади. Унинг асосий мақсади «C5+1» формати доирасида ўзаро ҳамкорликни мувофиқлаштириш, ўтказилаётган тadbirkorларнинг ташкилий масалаларини ҳал этиш, шунингдек, Марказий Осиё мамлакатлари ва АҚШ ўртасидаги ҳамкорликни ривожлантириш бўйича таклифлар тайёрлашдан иборатдир.

«C5+1» доирасида муайян йўналишлар бўйича ўзаро ҳамкорликни муҳокама қилиш учун ҳар йили уч йўналиш – иқтисодий, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва энергетика ҳамда хавфсизлик бўйича ишчи гуруҳларнинг ййгилишлари ўтказиб келинмоқда.

Марказий Осиё Ўзбекистон томонидан ташки сиёсатининг устувор йўналиши сифатида белгилангани боис «C5+1» формати доирасидаги ўзаро ҳамкорлик муҳим аҳамиятга эга. Чунки бу минтақадаги ижобий интеграция жараёнларига бевосита таъсир этувчи муҳим омил ҳисобланади.

Шу нуқтаи назардан, мазкур формат доирасидаги самарали ҳамкорлик баробарида Ўзбекистон — АҚШ икки томонлама ҳамкорлиги изчил мустаҳкамланиб бораётганини алоҳида таъкидлаш жоиз. Ўзбекистон Президентининг 2018 йил 15-17 май кунлари бўлиб ўтган АҚШга биринчи расмий ташрифи икки давлат ўртасидаги стратегик шерикликнинг янги даврига асос солди.

Сўнгги олти йилда юқори даражадаги делегациялар алмашуви, идоралараро ва парламентлараро алоқалар, савдо-иқтисодий ва сармоявий ҳамкорлик фаоллашди.

АҚШ Конгресси Вакиллар палатасида АҚШ — Ўзбекистон муносабатларини фаоллаштириш тарафдори бўлган конгрессменларнинг норасмий гуруҳи - «Ўзбекистон бўйича кокус» ташкил этилган бўлиб, у фаол фаолият юритмоқда.

Ўзбекистонда америкалик инвесторлар иштирокидаги корхоналарнинг сони ҳам йил сайин ортиб бормоқда. «Женерал Электрик», «Женерал Моторс», «Хаятт»,

«Жон Дир», «Боинг», «Ханейвелл», «Кока Кола», «Калатрава», «Силверлиф» ва бошқа концерн ҳамда компанияларнинг мамлакатимизда фаол ишлаётгани муваффақиятли иқтисодий ҳамкорликка мисол бўла олади.

Қўшма Штатлар Ўзбекистоннинг инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш соҳасида эришган муваффақиятларини ҳам эътироф этади. Мамлакатимизда амалга оширилган тўб ислохотлар туфайли «Cotton Campaign» (Коттон Кампейн) халқаро нодавлат ташкилотининг ўзбек пахтасига қўйилган бойкоти бекор қилинди.

Бугунги кунда Америка Қўшма Штатларида минглаб Ўзбекистон фуқаролари ишлаб, таҳсил олмақда. Улар ўз урф-одатлари ва маданиятини авайлаб асраш, диаспора ва маданий уюшмалар доирасида яқиндан мулоқот қилиш имконига эгадирлар.

Тошкент ва Сиэтл, Бухоро ва Санта-Фе, Зарафшон ва Клинтон шаҳарлари ўртасида ўрнатилган биродарлик алоқалари маданиятлараро мулоқотни мустаҳкамлашга хизмат қилмоқда.

Мухтасар қилиб айтганда, Ўзбекистон — АҚШ муносабатлари изчил ривожланиб бормоқда. Ўзбекистон бу ҳамкорликни нафақат икки томонлама, балки кўп томонлама форматда ҳам кенгайтириш ва мустаҳкамлашга тайёр.

14 сентябрь Душанбеда Марказий Осиё давлатлари раҳбарларининг Маслаҳат учрашуви бўлиб ўтди. Бугун эса минтақа давлатлари раҳбарлари Марказий Осиё салоҳиятини мустаҳкамлаш ва унинг раванки йўлида АҚШ билан ҳамкорликни янада ривожлантириш масалаларини муҳокама қилишга тайёрдир.

МОЛИЯВИЙ САВОДҲОНЛИК

Банкка борган
истеъмолчиларнинг қандай
ҳуқуқлари мавжуд?

Сиз истеъмолчи сифатида мамлакат ҳудудидаги банклардан фойдаланишда қандай ҳуқуқларга эга эканингизни биласизми?

Танишиб олинг:

– Банкка борганингизда банк томонидан кўрсатиладиган барча хизматлар тўғрисида тўлиқ ва тўғри маълумотлар олиш ҳуқуқига эгасиз

– Банк билан тузиладиган шартномалар матни танловингизга кўра, давлат ёки рус тилида тузилиши мумкин. Шунга кўра, ўзингизга қулай тилда тузилган шартномани олишга ҳақли ҳисобланасиз

– Банк хизматларини кўрсатиш тўғрисидаги шартномани (кредит, депозит, лизинг, банк карталари ва бошқалар бўйича) имзо қўймасдан туриб, танишиб чиқиш учун ўзингиз билан олиб кетишга ҳақлисиз. Бу эса сизга тузиладиган шартнома юзасидан бемалол оилавий қарор қилишингиз учун ёрдам беради

– Банк хизматлари тўғрисида лўнда, оддий ва раvon тилда баён этилган маълумотларни давлат ёки рус тилларида олиш ҳуқуқига эгасиз

– Унутманг, банк хизматларидан фойдаланишда истеъмолчи сифатида ҳуқуқларингиз бузилса, Марказий банкка мурожаат қилинг! Марказий банк мамлакатдаги барча молиявий хизмат истеъмолчиларининг ҳуқуқларини ҳимоя қилади.



Шахсий бюджет нима?

Шахсий бюджет – бу ҳозирги ва келажақдаги шахсий даромадни тақсимлаш – сарфлаш ва жамғаришга қаратилган молиявий режадир. Шахсий бюджет нима учун керак?

Шахсий бюджетни фаол тарзда юритиш – инсоннинг моддий фаровонликка эришишида муҳим омил саналади. Бундан ташқари, у:

- Молиявий тартибга эришиш;
- Харажатларни даромадларга мутаносиб равишда ташкиллаштириш;
- Ортиқча харажатларни аниқлаш;
- Қарз юкни пасайтириш;
- Жамғарма талаб этувчи мақсадларни аниқлаш ва инвестицион лойиҳаларни режалаштириш учун муҳим саналади.

Уни қандай юритиш мумкин?

Шахсий бюджетни юритиш учун биринчи қадам – ойлик тушум ва чиқимларни таҳлил қилиш, аниқроғи, барчасини бир жойга тўплаб, ёзиб чиқиш бўлади. Ушбу вазифани доимий тақорлаб, одатга айлантириш зарур.

– Харажатларингизни даромадингизга мос равишда белгиланг. Амалда эса албатта, муҳимлик даражаси юқори бўлган харажатларни биринчи амалга оширинг. Шу билан бирга, келажақдаги молиявий мақсадлар ҳам ёддан чиқмаслиги керак

Чиқимлар қандай режалаштирилади?

Чиқимларни асосий йирик уч қисмга ажратиш мумкин:

- Доимий (рўзғор, коммунал тўловлар, дори-дармон, транспорт харажатлари, кредит тўлови ва ҳ.к.);
- Вақти-вақти билан (кийим-кечак, маиший техникалар, саёҳат ва бошқалар);
- Кутилмаган ёки йиллик харажатлар (Спорт учун йиллик абонемент, автомобиль, квартира таъмири ва шу қабилир)

Режалаштиришда фақат чиндан ҳам зарур бўлган харажатларни киритиш тавсия этилади. Акс ҳолда, асосий мақсадлар қолиб, иккинчи ва ўндан кейинги даражали харидлар муҳим режаларга халал бериши табиий.

Унутманг, юқоридаги вазифалар доимий тақорланганидагина ўз натижасини кўрсатади.

МУАССИС:



O'ZBEKISTON
XALQ DEMOKRATIK
PARTIYASI
MARKAZIY KENGASHI

O'zbekiston ovozi

TAHRIR HAY'ATI:

Ulug'bek INOYATOV Muslihiiddin MUHIDDINOV
Ulug'bek VAFOYEV Hayotxon ORTIQBOYEVA
Maqsuda VORISOVA Shuhrat ISLOMOV
Qalandar ABDURAHMONOV Toshtemir XUDOYQULOV
Gulliston ANNAQILICHEVA

Bosh muharrir: To'liqin TO'RAXONOV

MANZILIMIZ: 100135, Toshkent, Bunyodkor shoh ko'chasi, 50 «A»-uy.

Телефонлар: (71) 239-12-14

Реклама бўлими: (91) 190-19-49. E-mail: uzbovozi@mail.ru

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi

bosmaxonasida chop etildi.

Korxona manzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.

Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi — 4 bosma taboq.

Gazeta haftaning chorshanba kuni chiqadi. «O'zbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.

Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida

0006-raqam bilan 2007-yil 11-yanvarda ro'yxatga olingan.

Navbatchi: Ravshan SHODIYEV

Sahifalovchi: Bekzod ABDUNAZAROV

Г — 936. 6778 nuxxada bosildi.

O'zA yakuni — 07:30

Nashr ko'rsatkichi — 220.

Topshirilgan vaqti — 08:30

t — Tijorat materiallari

1 2 3 4 5 6

Sotuvda kelishilgan narxda